

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2006 йил 8 декабр, шанба № 194-195 (2244)

INSON

ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — УСТУВОР ВАЗИФАМИЗДИР Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!
Аваламбор, сиз, азизларни Конституциямизнинг ўн тўрт йиллик байрами билан чин қалбимдан муборакбод этиб, сизларга, сизлар орқали бутун халқимизга ўзимнинг самимий ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.
Қадрли дўстлар!
Биз Конституциямизнинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида гапирар эканмиз, аввало, бир ҳақиқатни эътироф этишимиз лозим.
Яъни, биз мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш, инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий ва устувор қадрият сифатида қарор топтириш борасида ўтган давр мобайнида қонунчилик соҳасида ва амалий сиёсатимизда қандай натижа ва ютуқларни қўлга киритган бўлсак, уларнинг барчаси Конституциямизда муҳрлаб қўйилган талаб ва тамойиллар билан узвий боғлиқдир.
Биз бугун изчиллик билан

амалга ошираётган тинч ва фаровон ҳаёт қуриш йўли ва бу йўлнинг асосий қонунчилиги негизлари ҳақида гапирганда, бамисоли тоғдай таянч бўладиган иккита мезон-мақсадни ўзимизда яққол тасаввур қиламиз.
Биринчиси — юксак даражада тараққий топган демократик давлатларнинг ўзини ҳар томонлама оқлаган тажрибасини танқидий таҳлилдан ўтказиб, ўзимизга қабул қилиш ва жорий этиш, шу асосда ҳаётимизни қуриш.
Иккинчиси — қадимий ва бой тарихимиз, қадриятларимиз, ота-боболаримиз азалдан асраб-авайлаб келган ва биз ҳам бугун амал қилаётган муқаддас дину динатимиз, урф-одат, удум ва анъаналаримизга риоя этган ҳолда, ҳар қандай ҳолат ва бошимизга тушган синовда ҳам ўзлимизни йўқотмасдан, биз кимнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни унутмасдан яшаш, фарзандларимизни ҳам шу

аснода тарбиялаш ва ҳаётга йўлланма бериш.
Мана шу иккита йўналиш — замон талаб қиладиган демократик принциплар ва миллий хусусиятларимиз — қадриятларимизни ўзаро уйғун тарзда бирлаштиришдек ўта муҳим ва стратегик аҳамиятга эга бўлган вазифани рўёбга чиқариш, қатъият ва изчиллик билан ҳаётимизнинг барча жабҳаларида жорий этиш — булар биз танлаган йўлни белгилаб бераётган асосий омиллари ва шартли, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.
Ҳеч кимга сир эмас — биз қураётган янги жамият, ҳаётимизга тобора кириб келаётган янгиликларни жараёнлари, ислохотларнинг тақдири ва келажаги, аввало, халқимизнинг бу ўзгаришларни қўллаб-қувватлашига, жойларда шу борада одамларимизнинг фаоллиги, уларнинг дунёқароши, онгу тафаккурининг юксалишига боғлиқ.
(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунининг 14 йиллиги муносабати билан 7 декабр куни пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг сиёсат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндalари, пойтахт жамоатчилиги, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этдилар.
Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.
Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов йиғилишда маъруза қилди.

ЮРТИМИЗДАГИ БУЮК ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда рўй бераётган буюк ўзгаришларнинг — демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида эришаётган барча ютуқларимизнинг туб моҳияти Конституциямизда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва имкониятларни, асосий тамойилларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш билан боғлиқ эканини алоҳида таъкидлади.
Бундан 14 йил муқаддам умумхалқ муҳокамасидан кейин ҳар томонлама ва чуқур ўйланган демократик йўл билан қабул қилинган Асосий қонунимиз янги жамиятнинг ҳуқуқий кафолатларини шакллантирди ва мустаҳкамлади.
Асосий қонунимиз, бир томондан, халқимизнинг теран тарихий илдиэларига асосланган, кўп асрлик тажриба ва маънавий қадриятларни, улуғ аждодларимизнинг ҳуқуқий меросини ўзининг ғоя ва нормаларига чуқур сингдирган бўлса, иккинчи томондан, тарихда синалган умуминсоний қадриятлар, халқаро андозалар, тараққий топган давлатларнинг илғор тажрибаси мужассам этилган ҳужжатдир.
(Давоми 5-бетда)

Бош китоб

Бир тошдан бошланур чуққи асли ҳам,
Бир булоқ мавбан дарё насли ҳам.

Бир вафас елдирикм шамол шарафи,
Оламини тозартар унинг вафси ҳам.

Ҳикматсиз бир гиёҳ йўқдир дунёда,
Ким билгич, дармондир увсиз саси ҳам.

Одамзот вистати чек-чегарасиз,
Бир ҳовуч тушроқдан кулба, қасри ҳам.

Миллатман деганинг Бош Китоби бор,
Унда акс этмишдир балайд-пастаи ҳам.

Ё хурдир, ё қуддир, ё шоҳ, ё гадо,
Узув ё қисқадир халқни дастаи ҳам.

Имомдир бу Китоб сувайдоси гар,
Унда безиёндир душман қасди ҳам.

Бош Китоб — Бош Қонуви — Ўзбек ўзлиги,
Шунда шон-шарафли бўйи-бастаи ҳам.

Инсонга тождирким Ҳақ адолати,
О, Азим, уқиб ол, яша рости ҳам!

Азим СУҲҲОН

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Озод ва фаровон юрт, эркин ва бахтиёр халққа улуғвор байрамлар ярашади. Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Ватанимиз истиқлолининг 15 йиллиги арафасида, Президентимиз Ислом Каримовнинг фармонларига мувофиқ, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, эл-юртимиз илм-фани, маданияти ва маънавиятини юксалтириш, фаровонлиги, тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлашдаги хизматлари учун бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.
Оқсарой қароргоҳида 7 декабр куни ана шу юксак мукофотларни топшириш маросими бўлди.

Авалло, бугун Конституциямизнинг қутлуғ байрами арафасида сиз, азизлар билан учрашиб турганимдан хурсанд эканимни билдириб, барчангизга ўзимнинг самимий ва эзгу тилакларимни изҳор этмоқчиман, — деди Президентимиз. — Айнан шу кунларда, яъни йилимиз якунига етиб бораётган дамларда ўтган давр мобайнида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳа ва тармоқларида, жамиятимизнинг турли жабҳаларида амалга оширган ишларимиз, уларнинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида гапириш ўринли ва табиий, деб ўйлайман.
Юртимизнинг тараққиёт йўлида эришган марралар ва ютуқларимиз ҳақида сўз юритганда, буларнинг барчасини аввало қандай оғир ва машаққатли меҳнат эвазига, халқимизнинг пешона тери билан қўлга киритганимизни ўзимизга тасаввур қилиш қийин эмас.

Ўйлайманки, мана шу залда тўпланган эл-юртимизнинг муносиб фарзандлари — ким қайси касб вакили бўлмасин, ким қаерда, қандай вазифада ишлашидан қатъи назар, умринимсиз меҳнат ва изланишда ўтиб келаётган сиз, азизлар бу ҳақиқатни яхши биласиз, англайсиз, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.
Минглаб ватандошларимиз қаторида мамлакатимиз равнақи, юртимизнинг тинчлиги ва осойишталиги, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, санъат ва таълим соҳасини ривожлантириш, Ўзбекистони-мизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, бир сўз билан айтсак, эркин ва обод келажагимиз йўлида сиз, муҳтарам юртдошларимизнинг қиладиган фидокорона меҳнатингиз ҳар қандай таҳсинга сазовор.
(Давоми 5-бетда)

ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ - УСТУВОР ВАЗИФАМИЗДИР

(Боши 1-бетда)

Бу оддий ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Инсоннинг онгу тафаккури эса бир кунда ўзгармайди, албатта. Унинг дунёқараши ўзгариши ва кенгайишига вақт керак, тажриба керак. Четдан туриб қандай ташвиқот ва тарғибот, боринги, қандай зўравонлик бўлмасин, одам зоти ўз ҳаёти мисолида, тажрибасида тақлиф этилаётган ва амалга оширилаётган ўзгаришлар унга нима бераётганини, қандай наф келтираётганини кўриши керак ва иқдор бўлиши даркор.

Шунинг учун ҳам биз Ўзбекистоннинг миллий тараққиёт моделини ишлаб чиқишда инқилобий сакрашлар йўлини эмас, аксинча, тадрижий йўлни, имкон қадар ҳеч кимнинг бурнини қонатмайдиган, босқичма-босқич ривожланиш йўлини танладик.

Истиқлолга эришиб, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олгандан кейин биз ўз олдимизга келажак буюк давлат, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган жамият қуришдек улғу мақсадни кўйдик. Эҳтимол, бу ўша пайтда кимларгадир баландпарвоз ёки афсонавий гап бўлиб туюлган бўлиши ҳам мумкин. Лекин бугунги кунда ана шу мақсад йўлида эришган ютуқларимизни бутун дунё тан олмақда.

Чет эллардаги таниқли сиёсатчилар, эксперт ва шарҳловчилар ҳозирги пайтда биз қўлга киритган натижаларни холисона ва ҳаққоний баҳолаб, «Ўзбекистон ўзи белгилаб олган ана шу принципларга оғишмай амал қилса, албатта, келажак буюк бўлади», деган фикрни билдирмоқда.

Яқинда Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги, Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган байрам тадбирлари давомида нуфузли халқаро ташкилотлар етакчиларининг бизга йўллаган табрикмаларида, юртимизга ташриф буюрган атоқли хорижий олимлар, давлат ва жамоат арбоблари томонидан бундай юксак эътирофнинг тақдор ва тақдор билдирилганига барчамиз гувоҳ бўлдик.

Бундай фикр ва хулосаларни эшитганда юртимизда яшаётган ҳар қайси инсоннинг юраги қувонч ва ғурурга тўлиши табиий, албатта.

Аммо биз ўзимизнинг пировард мақсадимизга эришиш учун замон қандай тез ва шиддат билан ўзгараётганини ҳисобга олган ҳолда, воқеликнинг ортида эмас, балки унинг олдида юришимиз, ҳар қандай нохуш ҳаракат ва муаммоларнинг олдини олишимиз, тараққиётимиз ва демократик янгиликларнинг заминини белгилаб берадиган қонунларни ўз вақтида қабул қилишимиз, уларга ҳаёт тақозо этаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни киритишимиз зарурати бугун нечоғлиқ долзарб эканини англаш, тушуниш қийин эмас.

Шу муносабат билан яқинда умумхалқ муҳокамасига қўйилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаш-

тириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳаси айнан ана шундай фикр ва мақсадлар билан озиқланган десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мазкур қонун лойиҳасини тайёрлашнинг амалий эҳтиёжи, асосий омиллари ва сабаблари ҳақида гапирганда:

Биринчидан, юртимизда олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш ва давом эттириш мақсадида амалда ўзини оқлаган босқичма-босқич ривожланиш йўлидан изчил бориб, ислохотларнинг бир босқичи охирига етиши билан уларни янги босқичга кўтариш заруратини таъкидлаш лозим.

Иккинчидан, мустақиллик даврида сиёсий партияларнинг амалий тажрибаси, сиёсий нуфузи ортгани ва анча пишиб етилганини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш ва ҳаётимизда ҳал қилувчи сиёсий кучга айлантириш учун қонуний йўл-йўриқларни яратиб беришни бугун замоннинг ўзи талаб қилаётганини қайд этиш зарур.

Учинчидан, ҳозирги кунда халқимизнинг сиёсий етуклиги ва ижтимоий фаоллиги тобора ортиб бораётганини инобатга олишимиз ва шунга қараб сиёсат олиб бориш заруратини унутмаслигимиз керак.

Шу маънода, тақлиф этилаётган қонун лойиҳасидаги барча моддалар миллий давлатчилигимиз негизларини мустаҳкамлаш, жамиятимизни демократлаштириш ва либераллаштириш, барқарор тараққиёт кафолатини таъминлаш ва шу асосда иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари ва халқимизнинг ҳаёт даражасини изчиллик билан кўтариб боришдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши муқаррар.

Биз демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган эканмиз, демократиянинг асосий принципларини, яъни, жамиятимизда халқ иродасининг тўла ҳукм суриши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қарор топтириш масалалари бугун ҳаётимизда қай даражада ўз аксини топмоқда ва шу талабларга тўлиқ жавоб бериш учун биз яна нималарга эътибор қаратишимиз лозим, деган саволларни олдимизга қўйишимиз табиий.

Бу борада бошқа муҳим йўналиш ва вазифаларни инкор этмаган ҳолда, аввало, аҳолимизнинг фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий онгини ошириш бўйича қилаётган ишларимизнинг самарасини янада кучайтириш масаласи доимий кун тартибда туриши зарур.

Одамларнинг фаоллигини ошириш йўли эса ўз навбатида жамиятдаги ижтимоий-сиёсий қарашлар, турли манфаатларни ифода этадиган сиёсий партиялар фаоллигини ошириш билан чамбарчас боғлиқ эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Ҳар қайси сиёсий партия-

нинг жамиятимиздаги кучи уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларда тақлиф этган ва амалга ошираётган дастурларнинг таъсири ва уларни қўллаб-қувватлаётган тарафдорлари сони билан ўлчанади.

Бинобарин, партиялар ўзининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини аҳоли орасида қанча жонлантириб, кенгайтириб борса, халқимиз ва сайловчиларимизнинг сиёсий онги ва фаоллиги шунча юксалиб, уларнинг ислохот ва ўзгаришларга ўтказадиган таъсири тобора ортиб бораверади.

Маълумки, ҳозирги вақтда юртимизда бешта сиёсий партия фаолият кўрсатмоқда. Улар парламент сайловлари ва маҳаллий сайловлар пайтида ўз дастурлари, сиёсий маслагини эълон қилган ҳолда, ўзаро курашиб, Олий Мажлисдан ва вилоят кенгашларидан тегишли ўринни эгаллаган ва Қонунчилик палатасида ўз фракцияларини, маҳаллий кенгашларда эса депутатлар гуруҳларини ташкил этиш орқали фаолият олиб бормоқда.

Ҳеч шубҳасиз, 2000 йиллардан бошлаб бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимизда демократик жараёнларни давом эттиришда, ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш йўлида ўз ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, бизнинг бу йўналишда эришган натижаларимиз юқорида зикр этилган мақсадларимизга бугунги кунда тўлиқ жавоб бераётганини ҳам холисона тан олишимиз лозим.

Бундай ўта муҳим масалаларни ҳал қилиш зарурати ҳақида, сиёсий партияларимизнинг фаолияти ҳали-бери реал ҳаёт муаммоларидан узоқ бўлиб тургани ҳақида кўп чиқишларимизда илгарӣ ҳам айтилган.

Ана шундай ҳолатларнинг ечимини топиш учун мазкур қонун лойиҳаси сиёсий партияларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш, уларнинг қонунчилик ва давлат бошқаруви идоралари фаолиятига, мамлакатимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатга амалий таъсирини кучайтириш йўлида янги-янги имкониятлар очиб бермоқда.

Шу мақсадда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялар ва маҳаллий кенгашлардаги сиёсий партия гуруҳларининг мақомини аниқ белгилаб қўйиш, барча бўғиндаги халқ ноибларининг ваколати ва мавқеини ошириш бўйича қонуний механизмларни қабул қилиш назарда тутилмоқда.

Содда қилиб айтганда, сайлов натижалари асосида шаклландан Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларда қайси сиёсий партиянинг вакиллари кўпчилик мақомига эга бўлади, қайси партиянинг вакиллари эса озчиликни ташкил қилади, тузилаётган ҳукумат сиёсатига нисбатан қайси партия муҳолифатлик позици-

ясини ўзига маъқул кўради – буларнинг барчаси тақлиф қилинаётган қонун лойиҳасида ўзининг аниқ-равшан ҳуқуқий ифодасини топган.

Сайловлар натижасида Қонунчилик палатасида ўз фракциялари ва маҳаллий кенгашларда депутатлик гуруҳларини тузиш ҳуқуқига эга бўлган сиёсий партияларнинг ҳукумат раҳбари ва вилоят ҳокимларини сайлаш ва тайинлаш, уларни вазифасидан четлаштиришда фаол иштирок этиши, шу орқали ижро ҳокимияти фаолиятига бевосита таъсир кўрсатиши – мана шу ҳолатларнинг ўзи сиёсий партияларнинг ҳаётимиздаги роли ва амалий таъсири кескин кучайишининг яққол исботи, десак, ўйлайманки, айтиш ҳақиқатни айтган бўламиз.

Барчамизга маълум: бугунги кунда энг муҳим масалалардан бири – бу бошқарув ва ижро ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратининг самарали тизимини ўрнатишдан иборат.

Мазкур қонун лойиҳаси сиёсий партиялар ва жамоатчилигимизнинг марказий ҳукуматдан тортиб маҳаллий ҳокимият идораларигача – бутун ижро тизими устидан назорат ўрнатишга ҳуқуқий замин яратиши билан эътиборга сазовордир.

Ўнда қилиб айтганда, бу қонун қабул қилиниши билан марказда ва жойларда мансаб вазифасида ўтирганларнинг, керак бўлса, ҳокимият идораларининг кенг жамоатчилик олдида ҳисоб беришининг амалий тартиби ўрнатилади.

Қонунни амалга ошириш натижасида қонунчилик ҳокимияти бўлиши Олий Мажлис ва жойлардаги маҳаллий кенгашларнинг ваколатини, шулар қаторида ижро ҳокимияти, шу жумладан, ҳукуматнинг мустақиллигини ошириш, шу билан бирга, Президентнинг ваколат ва вазифаларига ўзгартиришлар киритиш ва уларни қисқартириш, ҳуқуқий меъёрлар доирасида аниқ белгилаб олиш имкони туғилади. Шунинг ҳисобидан биз мамлакатимизда давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида ўзаро мутаносиблик ва мувозанатни янада мустаҳкамлашга эришамиз. Бошқача қилиб айтганда, бу ҳар қандай ривожланган демократик тизимга мос талабни амалга ошириш демакдир.

Бугун кун тартибига қўйилган мазкур қонун лойиҳаси ва Конституциямизга айрим ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги тақлифларнинг аҳамияти ва моҳияти, таъсири ва оқибатлари, бу ҳужжатлар ҳаётимизнинг демократик даражасини юксак босқичга кўтаришда янги қадам бўлиши ҳақида яна кўплаб фикр-мулоҳазаларни келтириш мумкин.

Албатта, ушбу қонун лойиҳасини муҳокама қилиш ва қабул қилиш ўз йўли билан, энг муҳими, уни ҳаётга жорий этиш, одамлар онига бу ўзгаришларнинг барчаси эл-юртимизга нима беришини ва ҳар қайсимиздан нималарни талаб

қилишини етказиш – бугунги кундаги асосий вазифамиздир, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Бу диёр, бу бетакрор юрт барчамизники, Ватанимизнинг мавқеи ва обрўйини дунёда муносиб даражага кўтариш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз деб, айнан шундай тушунча билан бир ёқадан бош чиқариб, белимизни қаттиқ боғлаб, жорий этилаётган ислохот ва янгиликларни жараёнларини қаттиқ билан давом эттирсак – ҳеч шубҳасиз, марра бизники – Ўзбекистонимизда ўзгаларнинг ҳавасини тортадиган эркин ва фаровон жамиятни албатта қурамиз, ўзимизнинг эзгу мақсадларимизга албатта етамиз.

Хурматли ватандошлар!

Бундан бир йил олдин мана шу муҳташам залда сиз, азизлар билан бирга 2006 йилни юртимизда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилган эдик. Бундан кўзланган асосий мақсад – жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, шифокорлик касбининг нуфузини ошириш бўйича олдинги йилларда бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш ва уларни янги, юксак босқичга кўтаришдан иборат эди.

Ҳаммамизга маълум, шу вазифаларни амалга ошириш учун «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» бўйича алоҳида давлат дастури ишлаб чиқилди ва йил давомида унинг ижроси назоратга олинди.

Мазкур дастурнинг бажарилиши шунинг кўрсатдики, инсонпарварлик ва меҳр-муруват руҳи билан йўғрилган ва бутун мамлакатимизни қамраб олган бундай олижаноб ҳаракат юртимизда ҳеч кимни четда қолдирмади.

Дарҳақиқат, беминнат ҳомийлик ёрдами кўрсатиш, бева-бечора ва етим-есирларнинг бошини силаш, муҳтож ва кам таъминланган тоифаларга кўмак бериш каби халқимизга хос фазилатлар ҳаётимизда миллий қадрият даражасига кўтарилганини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин.

Эл-юртимиз орасида қадимдан яшаб келаётган «Қўли очикнинг йўли очик», «Бири берганга мингни беради» деган чуқур маъноли мақоллар юқорида айтилган фикрни яққол тасдиқлайди.

Жорий йил мобайнида «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури доирасида аҳоли учун янги иш ўринлари ташкил этиш, жумладан, қишлоқ жойларида касаначилик ҳаракатига кенг йўл очиб бериш, уй шароитида чорва маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланаётган кишиларга меҳнат дафтарчаси очиш ва пенсия бадалларини жамғариб бориш имконияти яратилгани айниқса муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дастурда белгиланган муҳтож оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва уларни маънавий

ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ - УСТУВОР ВАЗИФАМИЗДИР

қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам кўплаб тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда ҳомийлар кўмагида юртимиздаги кўп болали, кам таъминланган оилаларга 10 миллиард сўмликдан зиёд қорамол олиб берилгани мамлакатимизда саховат ва ҳимматликнинг яна бир ёрқин намоёни бўлди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди. Чунки, бундай тадбирлар одамларнинг меҳнат билан шуғулланиши, авваламбор, оила аъзоларини гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш, қолаверса, қўшимча даромад топиш имконини беришини англаш қийин эмас.

Миллионлаб юртдошларимиз иштирок этган умумхалқ хайрия ҳашарларидан тушган маблағлар ҳисобидан 2 минг нафар ёлғиз кекса ва 66 минг кам таъминланган оиланинг 3 миллион 570 минг квадрат метр уй-жойи таъмирлаб берилгани ҳам шундай савобли ишлар жумласидандир.

Айни пайтда қарийб 23 минг нафар қаровчисиз қария ва ногирон кишиларга ижтимоий хизмат кўрсатилгани, республикадаги барча «Саховат» ва «Муруват», «Меҳрибонлик» уйлари ҳамда махсус мактаб-интернатларга ҳомийлар томонидан 3,5 миллиард сўмлик моддий ёрдам берилгани бу борадаги муҳим ишлар сифатида қайд этиш лозим.

Шунингдек, жорий йилда кам таъминланган оилаларга мансуб салкам 725 минг нафар бошланғич синф ўқувчиси 16 миллиард сўмликдан зиёд кийим-бош билан таъминланди.

Мактабга илк бор қадам қўйган фарзандларимизни дарсликлар ва ўқув қуроллари билан бепул таъминлаш ишлари давом эттирилиб, 521 минг нафар болага қарийб 15 миллиард сўмлик дарслик ва ўқув қуроллари совға сифатида берилди.

Ногирон болаларни соғломлаштириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» жамғармаси ташаббуси билан, хорижий ҳамкорларни жалб этган ҳолда, туғма нуқсонлари мавжуд бўлган болаларни мураккаб жарроҳлик йўли билан даволаш ишлари амалга оширилди.

Дастур доирасида яна бир муҳим масала – ёш авлодни жисмонан соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш бўйича қилинган қатор амалий ишлар ҳам эътиборга сазовор. Ўтган давр мобайнида жами 161 та болалар спорт мажмуаси фойдаланишга топширилгани, шулардан 18 таси янгитдан барпо этилгани, 108 та мактаб спорт зали ҳамда 35 та спорт мажмуаси эса реконструкция қилингани бунинг тасдиғидир.

Бундан ташқари, 237 минг нафар фарзандларимиз ёш мавсумида республикаимизнинг соғломлаштириш масканларида кўнгилли дам олиб, ўз саломатлигини мустаҳкамлаб қайтганини ҳам қайд этиш даркор.

“Экосан” халқаро ташкилоти томонидан чет эллик ҳомийлар иштирокида Оролбўйи минтақасига саломатлик поездлари ташкил этилиб, бу ерда яшаётган аҳолига 1,2 миллиард сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилгани ҳам ана шундай амалий ишлар сирасига киради.

Йил давомида мамлакатимизнинг барча ҳудуд ва минтақаларидан қарийб 30 минг нафар уруш ва меҳнат фахрийси, нуруний отахон ва онахонлар, ногиронларнинг пойтахтимиздаги диққатга сазовор жойларга ҳамда Самарқанд ва Бухоро, Хива ва Шахрисабз сингари қадимий шаҳарларимизга саёҳатлари амалга оширилди.

Ҳомийлик фаолиятининг қонуний кафолатлини ва ижтимоий нуқтай назардан кенг эътироф этилишини таъминлаш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан «Ҳомийлик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Мазкур қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан ҳомийлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг мавжуд шакллари, Ўзбекистон ҳудудида ҳомийлик тузилмаларини ташкил этиш тартиби, уларнинг мақоми ва фаолият йўналишларини белгилаб бериш кўзда тутилган.

Азиз дўстлар, биродарлар!

Шу борада кўнглимдаги бир фикрни сизлар билан ўртоқлашмоқчиман. Ҳаммамиз яхши биламизки, бу дунёда ўзидан ортириб бировга бегараз, беминнат ёрдам кўрсатиш, ўзгалар манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиб, хайрли ишлар қилиш, очиқ айтиш керак, ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Минг шукурки, юртимизда халқимизга хос ана шундай азалий қадриятларни улуглаб, уларни давом эттириб келаётган инсонлар кўплаб топилди.

Бундай инсонларнинг қилаётган эзгу ва саховатли ишларини эшитганда, “Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак” деган даъват минг-минглаб юртдошларимизнинг қалбида аксадо бераётганини кўрганда одам беихтиёр тўлқинланиб кетади.

Кани энди, имкони бўлсаю ана шундай инсонларнинг ҳар бирини бағримга босиб, уларнинг барчасига ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик изҳор этган бўлардим.

Лекин, бугун мана шу фурсатдан фойдаланиб, ижозатингиз билан ана шундай ватандошларимизнинг айрим вакиллари номларини катта ҳурмат ва эҳтиром билан айтиб ўтишни ўринли, деб биламан.

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, “Янги шаҳар” маҳалласи оқсоқоли Рихсивой Орипов кўпчиликка бош-қош бўлиб, маҳаллани обод этиш, бу ерда болалар спорт майдончасини барпо этишга ҳомийлик қилган.

Қашқадарё вилояти, Фузор туманидаги фермер хўжалиги раҳбари Файрат Пўлатов эса

йил давомида 50 та оилага ҳомийлик ёрдами кўрсатган, шу билан бирга, кам таъминланган оилаларга 4 бош сигир олиб берган.

Бутун ҳаётини ёш авлод тарбиясига бағишлаган, табаррук ёшга етган бўлишига қарамасдан, Самарқанд вилоятида халқ таълими соҳасида ҳамон фидойилик кўрсатиб келаётган Иброҳим Рауповнинг бевосита ташаббуси билан вилоятдаги болалар боғчалари, мактаблар ва соғлиқни сақлаш муассасаларига 15 миллион сўмдан ортиқ ҳомийлик маблағи ажратилган.

Яна бир саховатли инсон – Тошкент шаҳар, Сирғали туманида истиқомат қиладиган пенсионер Суяркул Туроббоев ўз ҳисобидан 1,7 миллион сўм маблағ сарфлаб, қаровсиз ётган жойни обод қилган, 4 мингдан зиёд кўчат экиб, кўркам хиёбон барпо этган.

Андижон вилояти, Қўрғонтепа қишлоғида истиқомат қиладиган ҳурматли меҳнат фахрийси Умрзоқ Холмирзаев эса қишлоқ мактабини ободонлаштириш, унинг атрофида бог яратишга ўз маблағи ва меҳнати билан муносиб ҳисса қўшмоқда.

Яна бир нуруний отахон – Тошкент шаҳар, Шайхонтохур туманида яшовчи Жаҳонгир Усмонов ўзининг 8 миллион сўм маблағи ҳисобига болалар спорт майдончаси қуриб берган.

Навоий вилояти, Хатирчи туманидаги фермер хўжалиги расиси Салом ота Шойматов ҳақида алоҳида тўхталмоқчиман. Пири бадавлат, эл-юртга кўп хизмати сингган 75 яшар бу муҳтарам оқсоқолимиз кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, маҳалла ҳудудидagi йўлни асфальт қилиш, қабристон атрофини ободонлаштириш, қишлоқ мактабини таъмирлаш ишларига жами 27,5 миллион сўм маблағ сарфлаган.

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманидаги “Хумоюн” маҳалласи фуқаролар йиғини расиси Зикрилла Эрматов ўз ҳисобидан 12,6 миллион сўм маблағ сарфлаб, минг тупдан ортиқ кўчат экиб, 6 минг квадрат метрдан иборат хиёбон барпо этган, маҳалла чойхонасини ободонлаштиришга ҳисса қўшган.

Наманган вилояти, Мингбулоқ туманидаги фермер хўжалиги раҳбари Ҳакимжон Юсупов эса 75 гектар кўрик ерни ўзлаштириб, 36 кишини иш билан таъминлаган. Олинган фойда ҳисобидан 5 миллион сўмдан зиёд ҳомийлик ёрдами кўрсатган. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Барчамизга яхши аёнки, эл-юрт манфаати йўлида қилинган савобли ишлар ҳеч қачон беиз кетмайди. Бундай ишлар Яратганимизга ҳам, халқимизга ҳам хуш келади. Муқаддас Қуръон оятида “Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир” деган сўзлар албатта бежиз айтилмаган.

Бундай бағрикенг, олийҳиммат ватандошларимизни ҳар томонлама қадрлаш, ҳурматини

жойига қўйиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши лозим, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Шу муносабат билан ўзининг эзгу ишлари билан ўрнатилган кўрсатган ана шу юртдошларимизни, уларнинг улуг ёшини инobatга олган ҳолда, ҳар бир мусулмон учун орзу бўлган, қолаверса, фарз бўлган, яқин кунларда бошланадиган муқаддас ҳаж зиёратига давлат ҳисобидан юборишга қарор қилдик. Бу қарор бошқаларга ҳам ибратли бир қадам бўлишига ишонманам.

Муҳтарам дўстлар!

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да тиббий хизмат сифатини юксалтириш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббиёт ходимлари меҳнатини қадрлаш, нуфузини ошириш бўйича ҳам анча ишлар қилинганини таъкидлаш жоиз.

Айниқса, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш, уларни замонавий асбоб-ускуналар, зарур жиҳоз ва мебеллар билан таъминлаш мақсадида давлат бюджетидан 7,6 миллиард сўм, яъни, ўтган йилдаги нисбатан тахминан бир ярим баробар кўп маблағ ажратилгани, капитал таъмирлашга эса ҳомийлар ҳисобидан 7 миллиард сўм сарфлангани бажарилган ишлар кўламини яққол кўрсатиб турибди.

Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси, хирургия ва кардиология марказлари, Фтизиатрия ва пульмонология илмий-тадқиқот институтида 60 ўринли даволаш бўлими капитал таъмирлангани ва бу ерда замонавий даволаш усуллари жорий қилинганини айтиб ўтиш лозим.

Шу борада марказдан узоқ ҳудудларимизда бажарилган ишлар ҳам эътиборга сазовор. Хоразм вилоятида Республика ихтисослаштирилган урология марказининг филиали ташкил этилгани, Республика жарроҳлик маркази ва “Саломатлик” институтининг Нукус филиаллари, Жиззах вилоятида кардиология диспансери ва вилоят болалар шифохонаси, Қашқадарё вилоятида сил касалликлари диспансери, Сурхондарё вилоятида болалар шифохонаси капитал таъмирлангани, кўплаб олис шаҳар ва туманларда янги янги касалхоналар, 250 дан зиёд қишлоқ врачлик пункти барпо этилгани шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, Фарғона вилоятининг Тошлоқ ва Бағдод туманлари, Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳри тиббий муассасалари зарур асбоб-ускуналар билан, Самарқанд вилоятидаги 310 та қишлоқ врачлик пункти эса керакли жиҳозлар билан таъминланди.

Навоий вилоятида «Кизилқумцемент» акциядорлик компанияси профилакторийси капитал таъмирланиб, замонавий талаблар асосида жиҳозлангани ҳам беморларнинг оғирини енгли қилишда ўз ҳиссасини қўшади, албатта. Бундай ми-

солларни бошқа ҳудуд ва минтақаларимиздан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Мазкур йилда тиббий таълим тизимини кенгайтириш, соҳа ривожини учун малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида Марғилон шаҳрида 360 ўқувчига, Гулистон шаҳрида эса 540 ўқувчига мўлжалланган тиббиёт касб-ҳунар коллежлари ишга туширилганини алоҳида қайд этишимиз зарур.

Мамлакатимизда кейинги йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида қандай катта ишлар амалга оширилаётганидан барчангиз хабардорсиз.

Айниқса, ҳомиладорлик ва туғиш пайтида она ва бола саломатлигини назорат қилиш, туғиш ёшидаги аёлларни чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш, туғруқхоналар, «Она ва бола» соғломлаштириш марказларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш каби бундан 10-15 йил илгари олдимизда жиддий муаммо бўлиб турган масалалар бугунги кунда ўзининг ижобий ечимини топаётгани барчамизни сўзсиз қувонтиради.

Бу соҳада биз эришган натижа ва ютуқлар нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам ҳақли равишда эътироф этилмоқда.

Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Болалар жамғармаси – ЮНИСЕФнинг Марказий ва Шарқий Европа, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари бўйича минтақавий директори Мария Каливис ноябр ойда юртимизда бўлиб, Ўзбекистонда бу йўналишда ўрганса арзийдиган тажриба тўпланганини алоҳида таъкидлагани бу фикрнинг исботидир.

Тиббиёт соҳасининг бутун юки ва оғирлигини ўз зиммасига олган шифокорларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилган тадбирларимиз ҳам муҳим аҳамиятга эга экани шубҳасиз.

Соҳа ходимлари учун иш ҳақининг такомиллаштирилган тариф сеткаси жорий қилинди, шифокорлар меҳнатини рағбатлантиришнинг янги ва самарали тизими шаклланди.

Натижада мамлакатимиздаги умумий ойлик иш ҳақини индексация қилиш даражасини ҳисобга оладиغان бўлсак, уларнинг ўртача ойлик маоши тахминан 2,2 баробар ошди.

Шу борада ҳар бир тиббиёт муассасасида моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш бўйича янги тузилган жамғарма тўлақонли фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу жамғармани шакллантиришга бюджетдан ажратилган маблағларнинг ўзи қарийб 23 миллиард сўмни ташкил этаётгани ва шунинг ҳисобидан 100 минг нафардан зиёд тиббиёт ва фармацевтика ходимига қўшимча иш ҳақи ва мукофот пули тўланаётгани шифокорлар меҳнатини қўллаб-қувватлашда янги усул қанчалик самара бераётганини кўрсатиб турибди.

(Давоми 4-бетда)

ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ - УСТУВОР ВАЗИФАМИЗДИР

(Боши 3-бетда)

Айниқса, хавфли ва зарарли шароитда фаолият юритадиган тиббиёт муассасалари, карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар муҳофазаси бўйича марказий лабораторияларнинг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани, уларда фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимларининг меҳнат шароитини яхшилашга қаратилган амалий ишларимиз эътиборга сазовордир.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисидаги қонун қабул қилингани ва бу сана 12 ноябр куни биринчи бор юртимизда кенг нишонлангани, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарор билан «Соғлиқни сақлаш аълочилиги» кўкрак нишони таъсис этилгани шифокорлар хизматини ҳолисона баҳолаш ва қадрлаш йўлида, ҳеч шубҳасиз, муҳим бир қадам бўлди.

Азиз юртдошлар!

Барчангиз яхши тушунаси, қисқа бир чиқишда тиббиёт тармоғини ривожлантириш, аҳоли саломатлигини ҳимоялаш, бу соҳани янги босқичга кўтариш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида тўлиқ маълумот бериш ўта мураккаб вазифа. Бу борада бажарилган ишларнинг кўламини ўзимизга тасаввур қилиш учун баъзи бир рақамларни келтириб ўтсак, ўйлайманки, кўп нарса ўз-ўзидан аён бўлади.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурида кўзда тутилган тадбирлар ижросининг ўзи қарийб 284 миллиард сўм, жумладан, 133 миллиард сўм бюджет маблағи, 151 миллиард сўмдан зиёд идора ва ташкилотлар, ҳомийлар маблағини сарфлашни талаб қилгани бир йил давомида қанчалик кенг қамровли ишларни бажарганимизнинг яққол далолати, десам, тўғри бўлади.

Ана шундай улкан ишларни амалга оширишда юртимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотлари, ҳомийлар, савобталаб инсонлар билан бирга, халқаро гуманитар тузилмаларнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини қайд этиш зарур.

Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг барчасига ўз номимдан, халқимиз номидан самимий ташаккур билдиришга рухсат бергайсиз.

Албатта, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»нинг якуни ва ҳулосалари ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Лекин мана шу олижаноб ғоя ва ҳаракатнинг ҳаётимизда чуқур из қолдирган асосий фалсафасини мухтасар тарзда ифода этадиган бўлсак, кўпмиллатли юртимизда ҳеч ким ҳеч қачон давлатимиз ва жамиятимиз эътиборидан четда қолмаслигига бўлган ишонч, одамийлик, аҳиллик ва тотувлик муҳитининг янада мустаҳкамланганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Қадрли ватандошлар!

Энди сизлар билан янги 2007 йилга қандай ном бериш, бу борада қандай эзгу мақсадларни ўзимиз учун устувор вазифа сифатида белгилаб олиш ҳақида атрофлича

фикр алмашиб, маслаҳатлашиб олсак, ўйлайманки, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳаммангизга маълум, биз 1997 йилдан бошлаб юртимизга кириб келаётган йилга ном бериш асосида, авваламбор, ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга бўлган муайян ижтимоий масалани ечиш мақсадида куч ва имкониятларимизни сафарбар қилиб, катта-катта ишларни амалга ошириб келмоқдамиз.

Қайси йилга қандай ном беришдан қатъи назар – бу оила ёки аёллар масаласи бўладими, соғлом авлод тарбияси, маҳалларимизни обод қилиш ёки қарияларни қадрлаш бўладими, оналик ва болаликни муҳофаза этиш ёки жамиятимизда меҳр-мурувват, инсонпарварлик руҳини кучайтириш бўладими – **буларнинг барчасини бирлаштирадиган умумий бир мезон бор. У ҳам бўлса, инсон, унинг ҳаёти, орзу-ниятлари, дарду ташвишларини эътиборимиз марказига қўйиб, одамларнинг оғирини енгил қилишга қаратилган интилишларимиз мисолида яққол намоён бўлмоқда.**

Лўнда қилиб айтганда, қарийб ўн йил давомида эълон қилинган йилларнинг барчаси ўзининг маъно-мазмун ва аҳамиятига кўра ўзаро чамбарчас боғланиб, мантиқан бир-бирини тўлдириб, айнан аҳолимиз манфаатларини таъминлашдек мақсадга хизмат қилиб келаётганини кўриш ва кузатиш қийин эмас.

Шу билан бирга, йилларга ном бериш аънанасини давом эттирар эканмиз ва шунга бағишлаб амалга оширилган ишларимизни кўз олдимиздан ўтказар эканмиз, бир масалага фикрингизни жалб этмоқчиман.

Ўтган давр мобайнида маълум бир ном берилган ҳар қайси йил ўзида мужассам этган маъно-мазмун, ўз олдига қўйган мақсадлари, долзарблиги ва аҳамияти билан ҳаётимизда мавжуд бўлган муаммоларни ечишда бир йиллик муддат билан чегараланиб қолмайди.

Мисол учун, 2004 йилни «Меҳр-мурувват», 2005 йилни «Сиҳат-саломатлик», жорий йилимизни эса «Ҳомийлар ва шифокорлар» йили деб аташдан кўзда тутилган мақсадларни чуқур англаб, инobatта оладиган бўлсак, ўз-ўзидан аёнки, амалга оширган тадбир ва ишларимизнинг ҳали қанча-қанча давоми, шу борада ўз ечимини кутаётган қанча-қанча муаммолар бор.

Шуларнинг барчасини, энг аввало, халқимизнинг қайфият ва эҳтиёжини, орзу ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда, руҳсатингиз билан, мен кириб келаётган янги – 2007 йилни юртимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилишни тақлиф этмоқчиман.

Азиз дўстлар!

Ҳаммангизга маълумки, ўзбек модели деган ном билан бутун дунёда тан олинган мустақил тараққиёт йўлимининг негизини машҳур беш тамойилдан бири – айнан кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш масаласи ҳам туради.

Ана шу тамойилни ҳаётга жорий этиш учун истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб юртимизда олиб борилаётган давлат сиёсати ҳақида, бу борада қандай қарорлар қабул қилингани ва қандай ишлар амалга оширилаётгани ҳақида, ўйлайманки, барчангиз яхши хабардорсиз.

Энг аввало, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жараёнида эл-юртимиз ҳаётига кескин салбий таъсир кўрсатадиган оғир оқибатларни имкон қадар қамайтириш, ижтимоий муҳофазага биринчи галда муҳтож бўлган аҳоли тоифалари – кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, етим-есир ва ногиронлар, талаба ва пенсионерларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя этиш бўйича қилган ишларимизни таъкидлаш жоиз.

Яқинда тасдиқланган 2007 йилнинг давлат бюджетига бу йўналиш бўйича, яъни аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича ажратилган молиявий маблағлар миқдорини анчагина ошириш кўзда тутилган.

Қисқа қилиб айтганда, давлат бюджетимизнинг социал соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий харажатлари 2006 йилда 51 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич келгуси йилда 54,1 фоизни ташкил этади. Кам таъминланган, ёш болали оилаларга бериладиган ижтимоий нафақалар учун мўлжалланган харажатлар миқдори эса 2007 йил бюджетига 7 фоизни ташкил этмоқда.

Шулар қаторида бюджетда белгиланган харажатлардан ташқари, ҳукуматимиз томонидан ҳар йили ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтиришга қаратилган махсус қарорлар қабул қилинади.

Жамиятимизда сиёсий барқарорлик ва ижтимоий адолатни қарор топтиришнинг муҳим воситаси бўлмиш, ҳаётимизда қадимдан ўзини оқлаб келаётган маҳалла идораси бу масалада алоҳида ўрин тутиши ҳақида гапириш ортиқча.

Кенг халқ оммасини давлат ва ҳокимият идоралари билан бамисоли кўприкдек боғлаб турадиган бу ноёб тизим мамлакатимизда ижтимоий муҳофаза сиёсатини амалга ошириш йўлида қўшаётган улкан ҳиссаси билан халқимиз назарида катта обрў қозонаётгани бежиз эмас, албатта.

Бир сўз билан айтганда, бугун юртимизда ҳар томонлама мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлган ишончли ижтимоий ҳимоя тизими шаклланди ва у амалда ўзини оқламоқда.

Аммо бундай ўта муҳим йўналишда эришилган ютуқларни қайд этган ҳолда, ҳали ечилмаган масалалар, барта-раф этиш зарур бўлган кўпгина муаммолар борлигини ҳам тан олишимиз лозим.

Бу борада биринчи навбатда олиб бораётган сиёсатимизнинг ҳуқуқий асосларини ва қонуний нормаларини янада

такомиллаштириш устида ишлашни ҳаётимизнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бу ўринда гап ана шу асос ва нормаларни замон талабларига мос равишда аниқ-равшан белгилаб қўйиш, мавжуд қонунчилик базасини қайта кўриб чиқиш ва амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш зарурати, бугун мавжуд бўлган ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлигини ошириш масаласини кун тартибимизга қўйиш ҳақида бормоқда.

Энг муҳими, ёрдамга эҳтиёж сезиб яшайдиган оилалар ва одамларнинг барчасига бир кўз билан қарамасдан, балки ҳар бир тоифанинг ўзига хос қийинчилиги ва дарди, ғаму ташвишларини яқиндан ўрганиб, бу эҳтиёжларни қондиришга қўлимиздан келганча ҳаракат қилишимиз керак.

Бу борада амал қилаётган нормаларни нафақат янада чуқурлаштириш, балки давлат ва жамиятимиз томонидан берилётган ёрдам миқдорларини имкон даражасида ошириш бўйича ҳам тегишли чора-тадбирларни жорий қилиш зарур.

Олдимизда турган яна бир долзарб вазифа – биринчи галда, ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом бўлиб туғилишига алоҳида аҳамият қаратиш, «Соғлом она – соғлом бола» деган шиор остида катта эътибор билан бошлаган ҳаракатимизни давом эттириш ва унга том маънода янги туртки бериш, бу муаммога замонавий кўз билан қараш ва етарли даражада маблағ ажратиш масалалари доимий диққат марказимизда туриши даркор.

Нега деганда, очиқ айтиладиган бўлсак, аслида бизни қийнайдиган кўпгина ҳаётимиз муаммоларимиз худди шу масалага эътиборсизлигимиздан бошланади.

Айни вақтда, барча «Меҳрибонлик уйлари» ва махсус мактаб-интернатларнинг ижтимоий аҳолини ва моддий-техник базасини танқидий кўриб чиқиш, шу асосда зарур чора-тадбирларни амалга ошириш, етим-есир, қаровчисиз қолган болаларга эътиборни янада кучайтириш, мухтасар айтганда, «Сен ёлғиз эмассан» деган шиорни жамиятимиз ҳаётига чинакамига жорий этиш ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Албатта, ён-атрофимизда ёрдамга эҳтиёж сезиб яшайдиган ёлғиз кексалар ва ногиронларга ҳамдард бўлиб, уларга зарур кўмак ва маънавий мадад бериш масаласи ҳам кун тартибидан асосий ўрин эгаллаши керак.

Ана шундай ночор ва ёрдамга муҳтож одамларнинг оғирини енгил қилишга, уларга хизмат кўрсатишга ўзини бағишлаган инсонлар – бевосита «Меҳрибонлик», «Саховат» ва «Мурувват» уйларида ишлаётган ҳамшира, тарбиячи ва шифокорларнинг, шу соҳага дахлдор мутахассис ва хизматчиларнинг меҳнатини тўғри баҳолаш, уларни рағбатлантириш масаласини ҳам кўриб чиқишимиз зарур.

Шу билан бирга, мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярмини ташкил қиладиган ёшларимизнинг ҳаётимиз манфаатларини таъминлаш – бу уларнинг замонавий таълим ва тарбия олиши, зарур касб-хунарларни эгаллаши бўладими, иш ўрнига эга бўлиши, ўз қобилияти ва салоҳиятини юзага чиқариши учун имконият яратиш бўладими, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, оёққа туришида кўмак бериш бўладими – бу масалаларнинг барчаси биз учун энг муҳим ва устувор вазифа бўлиб қолаверади.

Табиики, «Ижтимоий ҳимоя йили»да эл-юртимизга кўп хизмати сингган, ҳозир ҳам ўзининг ҳаётимиз билан ибрат бўлиб келаётган муҳтарам фахрийлар ва пенсионерларимизнинг соғлом ва мазмунли умр кечирishi учун шароит яратиш бериш бўйича аввалги йилларда бошлаган ижобий ишларимизни албатта давом эттирамиз.

Ўз-ўзидан равшанки, ижтимоий ҳимоя масаласи – бу фақат давлат ва ҳокимият ташкилотлари, ижтимоий таъминот ва хайрия муассасаларининг иши бўлиб қолмаслиги лозим. «Ижтимоий» деган сўзнинг кўпчиликка, жамоатчиликка мансуб деган маънони ифода этишини инobatга оладиган бўлсак, бу ўта муҳим масала жамиятимизнинг, барчамизнинг бурчимизга айланади даркор.

Айнан мана шундай қараш ва ёндашув «Ижтимоий ҳимоя йили» бўйича ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган давлат дастурининг асосий ғояси ва маъно-моҳиятини белгилаб бериши зарур.

Бу дастурни тайёрлаш жараёнида давлат ва нодавлат ташкилотлари, ҳокимият идоралари, маҳалла, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари, кенг жамоатчилигимиз ўзларининг амалий тақлифлари, фикр-мулоҳазалари билан фаол иштирок этишига ишонаман.

Чунки ҳаммамиз яхши тушунамиз, 2007 йилга «Ижтимоий ҳимоя йили» деб ном берганимиз шу йўлда олдимизда турган вазифаларнинг маъно-мазмун ва пировард натижаларини янада кучайтириши билан жамиятимизда ўзаро қадр-қиммат, меҳр-оқибат туйғусини, энг катта бойлигимиз бўлмиш тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этишга хизмат қилади. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Қадрли юртдошларим, азизларим!

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, барчангизга, сиз орқали бутун халқимизга яна бир бор ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эътиромимни билдиришга рухсат бергайсиз.

Жамиятимизни янгилаш, ҳаётимизни ҳеч кимдан кам бўлмайдиган даражага кўтариш йўлида бундан ўн беш йил олдин бошлаган ишларимизда халқимизга Оллоҳнинг ўзи куч-қувват берсин, ўзи мададкор бўлсин.

Амалга ошираётган эзгу ишларимизнинг самараси ва ҳосилдан баҳраманд бўлиш барчамизга насиб этсин.

ЮРТИМИЗДАГИ БУЮК ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

(Боши 1-бетда)

Ўтган даврда Конституциянинг ҳаётий негизи нечоғли мустақам экани ўз тасдиғини топди. Конституциявий қоидалар фуқароларимизнинг кундалик ҳаётида тобора тўлароқ намоён бўлмоқда. Чунки Асосий қонунимизда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳрлаб кўйилган.

Мамлакатимизда тинч ва осуда ҳаётнинг барқарорлиги, истиқлолга садоқатимиз, истиқболга ишончимиз, ислохотларимизнинг муваффақиятли олимлари, эзгу юмушларимизнинг самаралари, халқимиз тийнатида буюк яратувчилик ва бунёдкорлик руҳи кундан-кун яққол намоён бўлаётгани — барча-барчасининг замирида Асосий қонунимизда кафолатланган ҳуқуқлар, ғоялар, принциплар тургани бугун ҳар бир юрtdошимиз чукр хис этмоқда.

Юртбошимиз инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган ислохотларимиз жамиятимизнинг янада гуллаб-яшнашига, кишилар турмушининг фаровонлашуви, мамлакатимиз ободлиги ва таракқиётини таъминлашга, Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришга хизмат қилаётганини қайд этар экан, бу борадаги эзгу ишларимизни кенг кўламда, жадал суръатлар билан давом эттириш учун олдимизда турган муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

Мамлакатимизда анъана тусига кирган — ҳар бир йилни маълум бир ном билан аташ амалиётига содиқ қолган ҳолда, 2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилинган эди. Бу борада махсус дастур ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда. Бундай ибратли ишлар, биринчи навбатда, юртимизда яшайдиган барча инсонлар учун ижтимоий, иқтисодий, маънавий аҳамиятга эгадир.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури замирида жамиятимизда инсон қалбидаги энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодаси — ҳомийликнинг мазмун-моҳиятини ва аҳамиятини тегиз тарғиб этиш, саховатли ва беғараз ҳомийларни рағбатлантириш, фидойи ва юксак фазилатли инсонларни кадрлаш ғоялари ўз мужассамини топди. Дастур асосида амалга ошираётган барча эзгу саъй-ҳаракатларимиз халқимиз ҳаётини янада яхшилашга, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро ҳамжихатлик муҳитини мустақамлашга қаратилаётир.

Жорий йилда халқимиз, аввало, ёшларимиз онги ва тафаккурида меҳр-мурувват, саховат, савоб, ҳиммат каби

фазилатларни янада ривожлантириш, ҳомийлик ҳаракатини кенгайтириш, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва тақомиллаштиришга оид масалалар доимий эътиборда турди. Кўплаб ижтимоий объектлар бунёд этилди. Янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди ва кўшимча иш жойлари ташкил этилди. Қишлоқ жойларда касаначилик ҳаракатига кенг йўл очиб берилаяпти. Уй шароитида чорва билан шуғулланаётган юрtdошларимиз моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда. Эҳтиёжманд кишиларга ҳар томонлама кўмак ва ёрдам кўрсатилмоқда.

Жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли саломатлигини мустақамлаш, жисмоний соғлом ва маънавий етук авлодни тарбиялаш борасидаги ишлар давом эттирилди. Соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техника базасини янада мустақамлаш, тиббиёт ходимлари учун муносиб меҳнат ва турмуш шароити яратиш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Ўтган даврда наинки инсонлар дардига малҳам бўлиб, уларнинг ғаму ташвишларига шерик бўлиб яшайдиган шифокорларнинг, айна чоғда, ўқитувчи ва мураббийларнинг ҳам шарафли ва масъулиятли меҳнатини ҳар жиҳатдан рағбатлантириш, умуман, аҳолининг реал даромадларини ошириш, иш ҳақи, стипендия ва нафақалар миқдорини кўпайтириш каби ижтимоий-иқтисодий йўналишда муҳим аҳамият касб этувчи кўплаб эзгу ишлар бажарилди.

Йил давомида мамлакатимизда амалга оширилган ва амалга оширилаётган эзгу ва саховатли ишлар «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар куни қилиш керак» деган даъват мингмиглаб юрtdошларимизнинг қалбида акс-садо бераётганидан далолатдир. Давлатимиз раҳбари Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ўзининг эзгу ишлари билан ўрнатилган кўрсатган бағрикенг, олийҳиммат ватандошларимизни ҳар томонлама кадрлаш ва эъзозлаш барчамиз учун қарз ва фарз эканини таъкидлади.

Президентимиз Ислон Каримов кириб келаётган янги — 2007 йилни «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилишни таклиф этди. Юртбошимизнинг бу таклифини йиғилганлар гулдурас қарсақлар билан маъқулладилар.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти билан якунланди.

(ЎЗА)

(Боши 1-бетда)

Бугун ўзининг кўп йиллик самарали меҳнати, ижтимоий ҳаётимиздаги фаол иштироки билан бошқаларга ўрнак ва намуна бўлиб келаётган сизлар каби инсонларга давлатимизнинг юксак унвон ва мукофотларини топшириш мен учун чиндан ҳам катта шараф десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан.

Аввало, Ватанимизнинг ижтимоий-иқтисодий кудратини юксалтиришга улкан ҳисса қўшган юрtdошларимиз — машхур тиббиёт олимаси, академик Малика Абдуллаҳужаевани, Ўзбекистон халқ устаси, ноёб

дофааси ва тинчлиги йўлида ўзини намоён этган жасур ҳарбийларимиз Сергей Проценко ва Ҳайдар Абдиев каби ўнлаб ватандошларимизнинг номларини ҳурмат-эҳтиром билан тилга оламиз.

Мана шу муҳташам залда ўтирган сиз, азиз юрtdошларимни — барча-барчангизни, ўз касби ва санъатининг моҳир усталарини замонамизнинг ҳақиқий ибрат тимсоллари сифатида самимий табриклашга ижозат бергайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, шу кунларда жойларда ана шундай юксак мукофотлар топширила-

матлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилаймман.

Тақдирланганлар номидан сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони Абдуғани Абдуллаев, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор, Пахтакор туманидаги «Равшан ота» фермер хўжалиги бошлиғи Омондулла Равшанов, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби, Ўзбекистон академик рус драма театри бадиий раҳбари Владимир Шапиро, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, Тошкент давлат мусикали комедия (оперетта) теат-

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

истеъдод соҳиби Абдуғани Абдуллаевни, моҳир педагог Саме Саматовни, темир йўл қурувчиси Баҳодир Илёсов ва хоразмлик заҳматкаш деҳқон, фермер Гулмат Ҳайитметовни энг олий мукофот — «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан ўз номидан, халқимиз номидан муборақбод этиш менга чуқур мамнуният этказди, деди Юртбошимиз.

Шулар қаторида ўз ҳаётини дунёдаги ғоят савобли иш — таълим-тарбия соҳасига бағишлаган Пория Игисина ва Али Абдулқосимов, эл-юртимизнинг олижаноб қадриятларини тараннум этиб келаётган муҳтарам шоиримиз Охунжон Ҳакимов, ибратли маҳалла оқсоқоли Турсунхўжа Эргашев, театр ва кино санъати намояндалари Азиза Бегматова, Владимир Шапиро ва Зулфиқор Мусоқов, композитор Дилором Омонуллаева, машхур «Айқулаш» ансамблининг бадиий раҳбари Пўлат Мадраимов, юртимиз му-

ётган барча юрtdошларимни ҳам ғойибона бағримга босиб, чин қалбимдан кутлайман.

Шундан сўнг Юртбошимиз давлатимизнинг олий мукофотларини тантанали равишда топширди.

— Давлатимизнинг бугун топширилган юксак мукофотлари — унвон, орден ва медаллари барчангизга буюрсин, — деди давлатимиз раҳбари Ислон Каримов. — Нафақат ўзларингизни, балки оила аъзоларингизни, фарзандларингизни, ёру биродарларингизни руҳини кўтарсин, ғурур ва ифтихор бағишласин, янги марраларга етиш учун куч-қувват ва омадлар берсин.

Менинг қалбимдаги эзгу тилагим, истагим шуки, ўз меҳнатидан қадр топган, эл-юртимиз ҳаётини обод қилишга интилиб яшайдиган инсонлар ҳеч қачон кам бўлмасин.

Оллоҳнинг ўзи халқимизни асрасин, омадини, бахтини берсин. Барчангизга сиҳат-сало-

ри актёри Зинаида Соловей, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби, «Айқулаш» Қорақалпоқ давлат миллий фольклор ансамбли бадиий раҳбари ва бош балетмейстери Пўлат Мадраимов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, Қашқадарё вилоятидаги 5-Меҳрибонлик уйи директори Тоштемир Сатторов, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, «Ўзбекфильм» киностудияси постановкачи-режиссёри Зулфиқор Мусоқов ушбу мукофотлар бундан буён Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатни янада юксак суръат ва шижоат билан давом эттиришга ундашини, янги-янги марраларни эгаллашга рағбатлантиришини таъкидладилар. Юксак эътибори ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирдилар.

(ЎЗА)

ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ЭЪТИРОФИ

Мустақиллигимизнинг 15 йиллик байрами арафасида мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримов фармонларига биноан турли соҳаларда фидокорона меҳнат қилаётган бир гуруҳ юрtdошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари — фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди. Анъанага кўра Конституция байрами арафасида юртимизнинг барча вилоятлари ва туманларида, вазирилик ва идораларида юрtdошларимизга ана шу мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида Тошкент шаҳри йилдан йилга чирой очиб бормоқда. Бу ерда кўплаб муҳташам бинолар, йўллар, кўприк-

лар, истироҳат боғлари, спорт мажмуалари, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари бунёд этилди, бундай хайрли ишлар изчил давом этмоқда. Буларнинг барчасида пойтахтликларнинг фидокорона меҳнати мужассам. Энг улуг ва энг азиз байрамимиз — мустақиллигимизнинг 15 йиллиги муносабати билан ҳамшаҳарларимиздан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган эди.

Конституция куни арафасида Тошкент шаҳар ҳокимлигида ишлаб чиқариш, иқтисодий-ижтимоий соҳалар ходимларига ана шу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев топширди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган мукофотларни топшириш маросимида мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар маънавий-маърифий соҳадаги ижобий ўзгариш-

лар билан узвий боғлиқ экани таъкидланди. Юрtdошларимизни, айниқса ёшларни она-Ватанга муҳаббат, миллий анъаналаримизга садоқат, буюк аждодларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда, уларни ёт ғоялар

таъсиридан асрашда, эзгу ишларга даъват этишда маданият ва санъатнинг аҳамияти беқиёсдир.

Жорий йилда ҳам маданият, санъат, адабиёт, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланиши маъқури соҳаларга давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир намунаси бўлди!

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов топширди.

Тадбирларда сўзга чиққан мукофот соҳиблари юртимизда ҳалол ва фидокорона меҳнат доимо кадрланиб, эътироф этиб келинаётганини таъкидлаб, юксак ишонч ва эътибори учун Президентимизга миннатдорлик билдирдилар.

(ЎЗА)





Оддий оилада туғилиб ўсдим. Ота-онам ҳокисор, меҳнаткаш инсонлар эдилар. Отам икки гапининг бирида «Меҳнатдан қочма, ҳалол бўл», «ишлаш билан ишлашнинг фарқи бор, қилаётган ишининг кўзини билиб қил» дердилар.

донларда эндигина бўй кўрсатган экинлар қовжираб қолди. Табиатнинг бу синовига қарши матонат билан курашдик. Кунни тунга улаб меҳнат қилдик. Амударёдан олинаётган арна сувига ер ости захкаш сувларини аралаштириб, экин майдонларини суғорардик. Яратганга шукр, саъй-ҳаракатларимиз зое кетмади. Утган йили 30 гектар ерга буғдой эккандик, 67 тонна ўрнига 80 тоннага яқин галла хирмонини

миз кун сайин кўпайиб бо-раётир. Айниқса, ёшларимизнинг деҳқончилик сирларини ўрганишга бўлган иштиёқи мени хурсанд қилади. Ахир, илгарилари бундай эмас эди-да. Ўқишга киролмаган, бирон-бир касбнинг бошини тутолмаган йигит-қизлар колхоз ёки совхозда ишлар, бироқ улар ҳақиқий деҳқон бўла олмасди. Мустақиллик шарофати туфайли деҳқончилик ҳам ардоқли

ДЕҲҚОННИНГ ДАВРИ КЕЛДИ

1966 йилнинг баҳори. 8-синфда ўқирдим. Колхоз ҳосилоти бригадага табелчи бўлишимни айтди. Отам ўйланиб қолди. Ҳосилот бир амаллаб уни кўндирди. Шу тариқа ҳаётим ер, деҳқончилик билан боғланди. 1971 йили бригада бошлиғи этиб тайинландим. 1984-1989 йилларда «Коммунизм» колхозда қишлоқ хўжалик масалалари бўйича раис ўринбосари лавозимида ишладим. Гапининг рост, деҳқон одамга идорада ўтириш тўғри келмас экан. Шу боис ўз ишимга қайтдим. 1990 йилдан 2000 йилгача яна бригадани бошқардим. Доимо отамнинг ўғитларига амал қилдим: ернинг «тили»ни тушунишга, у билан тиллашишга уриндим. Аммо бу осон бўлгани йўқ.

Меҳнатнинг роҳатини кўриш деҳқонларга мустақилликдан кейин насиб этди. Фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёйди. Жумладан, мен ҳам 2000 йилда «Ҳайтиммат ота» фермер хўжалигини ташкил қилдим.

Умумий ер майдонимиз 92 гектардан иборат. 2000 йилларнинг бошида деҳқончилик қилиш осон эмасди. Сув тақчиллиги сабаб аксарият май-

кўтардик. Режадан ташқари олинган галлани деҳқонларга тақсимлаб бердик. Пахта топшириш шартномавий режасини ҳам ошириб бажариб, 35 миллион сўм соф фойда кўрдик. Бу маблағга хўжалик учун «Т-4» русумли трактор сотиб олдик.

Муҳтарам Юртбошимиз Хоразмга келганларида, «Бойсангиз нима қиласиз?» деб сўрадилар. Мен у кишига: — бойлигимни халқим фаровонлиги учун сарфлайман, уларнинг оғирини энгил қилишни истайман. Техникани кўпайтираман. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида гузар қуриб бераман дегандим.

Ваъда зиммамга улкан масъулият юклади. Буғдойдан 60 центнердан ҳосил олдик. Пахта ҳосилдорлиги 44, 5 центнерга тўғри келди. 106 миллион сўмдан кўпроқ даромад қилдик. Соф фойда 40 миллион сўмни ташкил этди. Ана энди гузар қурилишини ҳам бошласак бўлади. Камтарона хизматларим Юртбошимиз томонидан қадрланиб, «Ўзбекистон Қахрамони» унвонига сазовор бўлганим кўксимни тоғдек юксалтирди. Бу бахт-ифтихор, фермерларга кўрсатилган эътибордир. Издошлари-

касб сифатида эътироф этилди. Мамлакатимизнинг иқтисодий таянчларидан бири сифатида кадр, эътибор топди. Бугунги кунда аксарият фермерлар деҳқончилик қилиш учун ўз техникасига эга. Айримларининг хонадонларида икки-учтадан «Дамас», «Нексия», «Матиз» автомашиналари, энг сўнгги русумдаги интернет тармоғига уланган компьютерлари бор. Шунингдек, биз учун чет элларга чиқиб тажриба алмашиш, ҳамкорлик қилиш ҳеч гап бўлмай қолди.

Шу кунларда қалбимизни яна қувонч ҳисси қамраб олди. Мустақиллигимизнинг кафолати ва химоячиси бўлган Бош Қонунимизнинг 14 йиллигини кенг нишон-лаяпмиз. Ушбу шуқуҳли лаҳзаларда бизга бахтли бўлиш ҳуқуқини берган Конституция байрами билан барчани муборакбод этамиз. Илоҳим истикломимиз умри абадий бўлсин!

**Гулмат ҲАЙТМЕТОВ,
Олий Мажлис Сенати
аъзоси, Ўзбекистон
Қахрамони, «Ҳайтиммат
ота» фермер хўжалиги
раҳбари**

ҒОЛИБЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ!

**ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ
КЕНГАШИ ХАМДА «ИШОНЧ» ВА «ИШОНЧ-ДОВЕРИЕ»
ГАЗЕТАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН
«ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ»
РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ**

Касаба уюшмаларининг фаолият қўлами гоят кенг ва серқирра. Энг кўп сонли аъзоларни ўзида жамулжам қилган жамоат ташкилотининг таъсир кучи сезилмаган на бир худуд ва на бир қалб бор. Ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари касаба уюшмаларига яқин ва бевосита алоқадор. У иш ҳақи бўладими, у кам таъминланган оилага кўмак бўладими ёхуд адолат истаб, ҳақ-ҳуқуқини тиклаб беришни сўраб қилинган арзнома бўладими, барча-барчаси касаба уюшмалари фаолиятига оид, унинг аралашувини тақозо этадиган жараён ҳисобланади.

Касаба уюшмалари «Инсонга наф келтириш — олий бахт» шиори остида фаолият кўрсатаётгани бежиз эмас. Мазкур танловга ушбу шиорни пешлашга қилиб олинганида ҳам ўзига хос мантик бор.

Танловни ўтказиш қоидаларида қайд этилганидек, жорий йилнинг 1 мартдан 1 декабргача тахририятимизга йўлланган ижодий ишлар — мақолалар, очерк ва лавҳалар газетада чоп этилиб, зукко муштарийларимиз томонидан ўз баҳосини олишга улгурди.

Танлов икки йўналишда: профессионал журналистлар ҳамда касаба уюшма ташкилотларида бевосита фаолият кўрсатаётган касаба уюшма ходимлари ўртасида алоҳида-алоҳида ўтказилганлигидан, албатта, хабарингиз бор.

Куни кеча «Инсонга наф келтириш — олий бахт» Республика танловини ўтказиш бўйича ташкилий кўмита тақдим этилган ижодий ишларни кўриб чиқиб, ғолибларни аниқлади.

I. ПРОФЕССИОНАЛ ЖУРНАЛИСТЛАР ЎРТАСИДА

Биринчи ўрин

Ҳақбердиев Абдусамига — «Тадбиркорларнинг тадбиркор раиси» очерки учун.

Иккинчи ўрин

1. Ҳикматов Иззатга — «Қалбга кўчган шуълалар» ва «Ватан, айрилмасман кучоқларингдан» очеркларини учун.

2. Шамсиев Нуриллага — «Шундай яшар одатда одам» лавҳаси учун.

Учинчи ўрин

1. Эрпўлат Бахтга — «Нажот маскани» лавҳаси учун.

2. Усмон Наврўзга — «Умр мезони» лавҳаси учун.

3. Ҳожиёв Иззатуллога — «Жамоага елкадош раис» мақоласи учун.

II. ИЖОДКОР КАСАБА УЮШМА ФАОЛЛАРИ ЎРТАСИДА

Биринчи ўрин

Хушназаров Озодга — «Сўроқлаб келишдим, демак, ишонишади» очерки учун.

Иккинчи ўрин

1. Отабеков Миржалолга — «Тақдир табассуми» лавҳаси учун.

2. Абдурахмонов Мамасолига — «Одамлар ташвишида» лавҳаси учун.

Учинчи ўрин

1. Қорабоев Абдузхурга — «Шогирдлари камолини кўрган устоз» лавҳаси учун.

2. Мўйдинов Нўмонга — «Адолатдан мунаввар маскан» лавҳаси учун.

3. Маматов Асқаралига — «Иброҳимжон отанинг саҳоватпешалиги» лавҳаси учун.

Танлов ғолибларини самимий муборакбод этамиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида «Хар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан химояланиш ҳуқуқига эгадир» деб аниқ ёзиб қўйилган. Фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш, уларнинг эркинликларини кафолатлаш мақсадида «Аҳолининг бандлиги тўғрисида»ги, «Меҳнат муҳофазаси тўғрисида»ги каби қатор қонунлар қабул қилинди. Қорақалпоғистон Республикасида ҳам зарур қонунчилик базаси яратилган бўлиб, шу асосда аҳолининг бандлик муаммолари ҳал этилмоқда.

Қорақалпоғистон аграр республика бўлгани учун аҳолининг ярмидан кўпи қишлоқ жойларида яшайди ва меҳнат қилади. Асосий даромад деҳқончилик ва пахтачиликдан дидир. Экологик муаммоларнинг кескинлиги, ернинг кучли шўрланганига қарамадан халқимизнинг фидокорона меҳнатлари эвазига давлатга пахта сотиш режаси Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб, уқдаланди. Бу юртимиз обод бўлади, пахта тозалаш ва ёғ заводлари, энгил саноат корхоналари самарали ишлайди, дегани. Демак, фуқароларимизнинг моддий манфаатдорлиги ошади. Аҳолининг бандлиги масаласи ижобий ечим топади.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистонда йирик Қўнғирот сода заводи ишга туширилди. Устюрт кенгликларидан нефт ва газни излаб топиш, қазиб олиш ишлари чет эл инвестицияси иштирокида йўлга қўйилмоқда. Бу соҳага ҳам маҳаллий аҳолидан бир неча минг нафар ишчи жалб этилиши кутилмоқда. Сода заводида эса 2 мингга яқин ишчи ўрни очилади.

Республикада кўплаб умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари қурилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланмоқда. Касаначилик ҳаракати кенг авж олмақда. Бу-

ларнинг барчаси аҳолини иш билан таъминлаш ва бандлик муаммолари

БАНДЛИК КАФОЛАТИ

ечимига хизмат қилмоқда.

Шу йилнинг 1 сентябрига Қорақалпоғистонда 4717 киши ишсиз сифатида рўйхатга олинган. 9721 киши ишга жойлаштирилган. Бозор муносабатлари даврида айрим корхоналар молиявий аҳолининг танлиги боис қисқартирилган иш кўни ва иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил бериш амалиётини қўллашга мажбур бўлишмоқда. Бунга яширин ишсизлик муаммоси сифатида қараш мумкин.

Бандлик муаммосининг ечими бевосита меҳнат миграцияси билан ҳам боғлиқ. Кейинги йилларда пайдо бўлаётган яширин меҳнат миграцияси жиддий таъвиш уйғотмоқда. Айниқса, қўшни давлатларга иш излаб кетаётган фуқароларнинг ижтимоий-муҳофа-

задан четда қолаётгани ташвишланарлидир. Шуларни ҳисобга олиб, қўшни республикалар касаба уюшмалари билан ҳамкорликни йўлга қўйишимиз, зарур қонунчилик базасининг яратилишига эришишимиз лозим. Ана шундагина фуқароларимиз меҳнат миграцияси даврида ҳам ижтимоий муҳофазадан баҳраманд бўлишлари мумкин бўлади. Асосий Қонуннинг 22-моддасида «Ўзбекистон Республикаси ўз худудидида ҳам, унинг ташқарисидида ҳам

маҳоратидан бир-икки йил ичида ажраб қолиш ёки меҳнат лаёқатини йўқотиш ачинарли эмасми? Президентимиз кўп бора таъкидлаганларидек, бизнинг энг катта бойлигимиз меҳнаткаш халқимиздир.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддаси ва касаба уюшмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги ҳаракат дастури талабларига мувофиқ Қорақалпоғистон касаба уюшмалари аҳолининг меҳнатга бўлган конституциявий ҳуқуқларини таъминлашда фаол иштирок этмоқда. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан қўшма қарор қабул қилиниб, аҳолининг бандлиги бўйича тадбирлар дастури амалга оширилмоқда. Биргина 2005 йилда жамоа шартномалари орқали 4773 киши қайта ўқитилиб, малакаси ўзгартирилди. Асосий эътибор аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва ижтимоий муҳофазасига қаратилмоқда. Жамоа шартномаларига меҳнаткашларга кўпроқ имтиёзлар берилиши билан боғлиқ бандлар киритилишига эришилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мулк шаклидан қатъи назар барча корхона, ташкилотларда ишловчиларнинг қонуний ҳуқуқларини, меҳнатини ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини химоя қилиш Қорақалпоғистон касаба уюшмаларининг доимий эътиборида бўлмоқда.

**Соғиндик НИЕТУЛЛАЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
касаба уюшмалари ташкилотлари
бирлашмаси кенгаши раиси**

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши

Юрдошларимизни, шў азиз диёрда яшовчи барча миллат ва
златларни 8 декабр – Ўзбекистон Конституциясининг 14 йиллик
байрами билан самимий қўтлайди!

Мустақил Ватанимизни бундан-да гуллаб-яшнаши йўлидаги
меҳнатларингизга ҳамиша омад ва муваффақият ёр бўлсин!

Аҳиллик, тинчлик ва хотиржамлик хонадонларимиз кўрки
бўлиб қолишига тилакдошимиз!



— Кутлимурод Собирович, “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик компанияси мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан ҳисобланади. Тармоқда амалга оширилган ишлар ва режалар билан ўртоқлашсангиз.

— Барча турдаги транспорт воситалари юк айланмаси ҳажмининг 66 фоизи темирйўл транспортига тўғри келади. Четга чиқариладиган ва республикага киритиладиган юкларни ташиш бўйича бу кўрсаткич янада салмоқлидир.

Мустақиллик йилларида темирйўл транспортини ривожлантириш ва қайта тиклаш, республиканинг яхлит транспорт тизимини яратиш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига чиқиши учун транспорт йўлагини барпо этиш бўйича салмоқли натижаларга эришилди. Компанияга қарашли темир йўлларнинг катта қисми юқори тезликка мўлжалланиб, туб таъмирдан чиқарилди.

Маълумки, авваллари Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларига халқ хўжалик юклари ва йўловчиларни ташишда Туркменистон ҳудудидан ўтиларди. Навоий-Учкудук-Султон Увайстоғ-Нукус темир йўлини барпо этиш бўйича бошлаган ишларимиз ўз самарасини бериб, эндиликда ташиш ишлари ушбу йўналишда амалга оширилмоқда. Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли қурилиши ҳам поёнига яқинлашаётган. Қамчиқ довони орқали Фарғона водийси ва республикаимизнинг бошқа вилоятлари транспорт алоқасини бирлаштирсак, қўшни давлатлар темир йўлига қарамликдан ҳалос бўлиб, мамлакатимизда яхлит темирйўл тизимини вужудга келтиришга эришамиз.

Компаниянинг минтақавий темирйўл узеллари ва бўлинмаларида ташиш билан бир қаторда ишлаб чиқариш суръатлари ҳам ўсиб бормоқда. Барча локомотив, вагон деполарида ҳаракат таркибларини жорий, тубдан таъмирлаш билан бир қаторда уларни замонавийлаштириш, маълум муддатга умрини узайтиришга ҳам эришилаётган.

Мустақиллик йилларида қурилиб, фойдаланишга топширилган Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводининг доврўги йил сайин ошиб бормоқда. Заводда барча турдаги таъмирлаш, шунингдек, вагон қуриш тажрибаси ҳам ўзлаштирилган. Твер вагонсозлари билан ҳамкорликда тайёрланган замонавий “Регистон” тезюрар поезди Тошкентдан Самарқандгача бўлган масофани атиги тўрт соатда босиб ўтмоқда. Худди шундай, барча қулайликлар муҳайё этилган “Шарқ” тезюрар поезди эса Тошкент-Бухоро йўналишида қатнаётган. Компаниянинг “Ўзтемирйўлмаштаъмир” корхонаси

ва унинг Тошкент, Андижон, Сирдарёдаги филиалларида фойдаланиш муддатини ўтаб бўлган ҳаракат таркибларининг умрини узайтириш бўйича катта тажриба тўпланган. Компания 2002 йилда Андижон механика заводининг Пахтаобод филиалида МДХ мамлакатлари орасида учинчи бўлиб вагон-цистерналар қуришни бошлаган бўлса, эндиликда “Қуюв-механика заводи” шубъа корхонасида ёпиқ ва ярим очик вагонларни қуриш, тепловоз-вагон таъмирлаш заводи ҳамда Андижон механика заводида яроқсиз ҳолга келиб қолган платформалардан цемент ташийдиган ва-

лик тамойиллари асосида ҳамжиҳатликда иш олиб бориб, тармоқ шартнома мажбуриятларининг бажарилишига эришмоқдамиз. Ушбу мажбуриятларнинг бажарилиши йил давомида вақти-вақти билан муҳокама қилиниб, камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Мамлакатимизнинг меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонуни — ишлаб чиқаришда шикастланишлар ва касб касалликларининг олдини олишга, соғлом ва бехатар меҳнат шароитини яратишга алоҳида эътибор берилишини талаб этади. Шу боис Марказий кенгаш томонидан ишчи-хизматчилар-

базаларида ташкил этилган соғломлаштириш гуруҳларида ҳар куни 600 нафардан ортиқ темирйўлчи, махсус бокс мактабларида 500 бола шуғулланмоқда.

Спортга алоҳида эътибор қаратилаётгани учун темирйўлчи-спортчилар жаҳон ареналарида ҳам сезиларли муваффақиятларни қўлга киритишяпти. Масалан, 2005 йилда Англияда ўтказилган ёшлар ўртасида бокс бўйича жаҳон биринчилигида қўқонлик Зиёд Ҳидоятуллоев қумуш медал соҳиби бўлган. Самарқандлик Ринат Абдулин эса универсал жанг бўйича Осиё чемпиони-

✓ **Суҳбат**

хунар, санъат сирларини ўзлаштираётган бўлсалар, 9 та маданият саройи, 6 та кутубхона темирйўлчилар ҳамда уларнинг фарзандлари маданий ва маънавий савиясини ошириш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишга хизмат қилмоқда.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан касабаяшма ташкилотларимиз томонидан кўнгина хайрли ишлар амалга оширилди.

Тошкент минтақавий темирйўл узели касабаяшмасининг ҳудудий кўмитаси тиббиёт муассасалари ходимлари ўртасида спортнинг тўрт тури бўйича спартакиада ўтказди.

Компания бўйича тиббиёт муассасалари ходимлари ўртасида ташкил этилган “Энг яхши ҳамшира” кўрик-танловида эса Марказий кенгаш, шунингдек, касабаяшма Қарши, Қўнғирот, Бухоро ҳудудий кўмиталари фаол иштирок этиб, голибларга ўзларининг соғваларини тақдим этдилар.

Жорий йилда болалар соғломлаштириш оромгоҳларида 262 нафар тиббиёт ходими фарзандлари соғломлаштирилди. Меҳнат жамоаларида касабаяшма кўмиталари билан узвий ҳамкорликда маънавият ва маърифат бўлимлари ҳам фаолият кўрсатяпти. Компанияга қарашли ўқув муассасалари: институт, темирйўл транспорти касб-хунар коллежи ва лицейларда ўтказилаётган маданий тадбирлар барчага манзур бўлмоқда.

Касабаяшмалари меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга масъулликни сезган ҳолда компания корхоналарида ишчи-хизматчилар учун меҳнат қилиш ва дам олиш бўйича яратилаётган шароитларни доимий равишда назорат қилиб келмоқдалар.

— **Тармоқ касабачиларининг халқаро алоқалари ҳам газетхонларимизни қизиқтиради.**

— Ривожланган хорижий давлатлар касабаяшмалари билан алоқа ўрнатиш ва муносабатларни мустаҳкамлаб бориш кўп микдорда маблағ сарфлашни талаб этади. Шунга қарамайдан, ҳозирги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда темирйўлчилар касабаяшмасининг халқаро конфедерациясида кузатувчилик ҳуқуқи билан қатнашиб келмоқдамиз.

Келгусида имконият борича, Европанинг илғор мамлакатлари, шунингдек, МДХ мамлакатларининг темирйўлчилар касабаяшмалари билан тажриба алмашиш учун алоқа ўрнатиш, биринчи навбатда, ахборот воситалари орқали танишиш ва керакли маълумотлар билан алмашиш, уларнинг ижобий натижасидан темирйўлчиларимизни ижтимоий, ҳуқуқий ҳимоялаш мақсадида фойдаланиш режалаштирилмоқда.

ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА

ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касабаяшмаси Марказий кенгаши раиси Кутлимурод СОБИРОВнинг “Ишонч” газетаси муҳбири саволларига жавоблари

гонлар тайёрлашга киришилмоқда. Хориждан харид қилинган замонавий электровозлар, йўловчи ва юк вагонлари ташиш суръатларини ошириб боришга хизмат қиляпти.

Амалга оширилган ишлар ўз самарасини бераётган. Бу йил 50 миллион тоннадан зиёд халқ хўжалиги юклари ўз манзилига етказиб берилди. Бу эса компаниянинг мустақиллик йилларида нечоғлик улкан иқтисодий ва ишлаб чиқариш салоҳиятига эришганини кўрсатиб турибди.

— **Ҳамма жойда бўлгани каби тармоқда қўлга киритилаётган ютуқларда инсон омилнинг роли бекиёсдир. Уни рўёбга чиқаришда касабаяшмалари қандай ишларни амалга оширмоқда?**

— Дарҳақиқат, муваффақиятни тармоқда ишлаётган одамлар таъминлайди. Компания минтақавий темирйўл узеллари ва бўлинмаларида ташиш суръати ошириб, саноат, халқ истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўпайиб, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш яхшиланиб бораётган экан, бунда касабаяшмаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Улар ижтимоий соҳани мунтазам ривожлантириб келмоқдалар.

Компания раҳбарияти ва касабаяшма Марказий кенгаши ўртасида ҳар икки йилга мўлжаллаб тузиладиган тармоқ битими муҳим ҳужжатларимиздан бири ҳисобланади. Ушбу ҳужжатда ишчи-хизматчиларнинг меҳнат, маданий-маиший ва бошқа соҳалар бўйича ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўлақонли ифода этилмоқда. Иш берувчи ва касабаяшмаларининг ижтимоий шерикчи-

нинг махсус кийим-бош, пойафзал, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланганлиги, иш жойларида хавфсиз меҳнат шароитларининг яратилганлиги мунтазам равишда назорат қилиб келинмоқда.

Компанияга қарашли шифо масканлари, санаторий, оромгоҳлар темирйўлчилар учун ҳаммашира очик.

Компания темирйўл бекатлари, корхоналарида “Ўз касбининг устаси”, “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши касабаяшма кўмитаси”, “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши жамоатчи-назоратчи” кўрик-танловлари ўтказилиб, йил якунида голиблар мукофотланмоқда.

Касабаяшмалари Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик ташкилотлари ҳақида”, “Касабаяшмалари, уларнинг фаолият кўрсатиш ҳуқуқлари ва кафолатлари ҳақида”ги қонунлари, Меҳнат кодекси, юқори ташкилотларнинг қарорларига асосланган ҳолда темирйўлчиларнинг меҳнат, касб, ижтимоий-иқтисодий ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиб келмоқда.

— **Комил инсонни тарбиялашда ижтимоий ҳимоя билан бир қаторда жисмоний ва маънавий тарбиянинг аҳамияти катта. Темирйўлчи касабаяшмаларнинг бу борадаги ишлари ҳақида гапириб берсангиз.**

— Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш касабаяшмалари эътиборидан асло четда қолаётгани йўқ. Волейбол, футбол, мини футбол, стол тенниси, бокс бўйича мусобақалар, спартакиадалар ўтказиб келиняпти. Спорт

дир.

Эришилаётган натижаларда “Локомотив” жисмоний тарбия-спорт мажмуининг ҳиссаси катта. Унинг ташаббуси билан минтақавий темирйўл узеллари, компания бошқармалари, марказлари, темирйўл корхона, ташкилот, муассасалари жамоалари ўртасида стол тенниси, мини-футбол, сузиш ва спортнинг бошқа турлари бўйича мусобақалар ўтказиб келинаётган. Ёзги мавсумда эса темирйўлчиларнинг фарзандлари дам олдириладиган соғломлаштириш оромгоҳларида мусобақалар ташкил этиляпти.

Компания минтақавий темирйўл узеллари ва бўлинмаларининг аксариятида бир қанча тренажёрлар билан жиҳозланган спорт заллари мавжуд бўлиб, уларда мунтазам равишда машғулотлар ўтказиб келинмоқда. Бундан ташқари, замонавий талаблар асосида барпо этилиб, темирйўлчилар ихтиёрига топширилаётган спорт иншоотлари сони йил сайин кўпаймоқда. Бу йил Тошкент темирйўл муҳандислари институти ҳудудда сув ҳавзаси фойдаланишга топширилди. “Локомотив” жисмоний тарбия-спорт мажмуидида сингари, минтақавий темирйўл узелларидаги “Локомотив” клубларида турли тўғарақлар ишлаб турибди.

Тошкентда Шимолий вокзал яқинида жойлашган темирйўлчиларнинг марказий маданият саройи, минтақавий темирйўл узеллари маданият клублари темирйўлчилар ва уларнинг оила аъзолари бўш вақтларини сермазмун ўтказиш бўйича фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Тўғарақлар аъзолари касб-

БОЛАЛИКДАН ҲАҚ-ҲУҚУҚИНИ АНГЛАСА

улгайганда панд емайди

Ватан, бўстонларинг озода бўлмай,
Ўғил ҳам, қизларинг жонзода бўлмай,
Султондай қад ростлар ҳар бир дарахтинг,
Очилган ҳар гулинг жонзода бўлмай.

— Бош қомусимиз — Конституция бандларини болажонларимиз томонидан бийрон-бийрон ифода қилинишини кўриб киши беихтиёр жўшиб кетаркан, — тадбирдан қайтаётган ота-оналар ўзларида йўқ суюниб фикр билдиришарди. — Фарзандларимиз мустақил юртимизнинг барча қонунларини муҳаммад ўрганиб бориши учун яратилган шароитдан далолат бу. Ҳозирдан ўз ҳақ-ҳуқуқини англаса, улгайганда панд емайди ва энг муҳими, ҳар хил қонунбузарликларга йўл қўймайди.

Дарҳақиқат, ёшлар шурида ана шундай яхши хислатларни шакллантиришда пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 205-ўрта мактабда ҳам кўпгина саъй-ҳаракатлар

олиб бориляпти.

Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган куннинг 14 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирда Дилоромхон Содиқова раҳбарлигидаги 8-синф ўқувчиларининг «Қомусимиз — ному-симиз» мавзусидаги чиқишлари, айниқса, кўпчиликка манзур бўлди. Ўғил ва қизлар бу борада олган сабоқлари ҳамда билим кўникмаларини намойиш этиб, Конституцияимизнинг ҳар бир бандини муҳаммад билишларини яна бир қарра кўрсатдилар.

Тадбирга мактабда ташкил этилган ашула ва рақс гуруҳи фойз киритди.

Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА,
«Ишонч» муҳбири



Кегейли тумани ҳокимлиги ва касаба уюшмалари мувофиқлаштирувчи кенгаши



*Барга фуқароларни Ўзбекистон
Республикаси Конституцияси қабул
қилинганлигининг 14 йиллиги билан қизгин
табриклайди.*

*Мамлакатимиз истиқболи ва равнақи
йўлида фидойилик кўрсатаётган
юртдошларимизнинг ишларига ривож,
ҳамжихатлик ва бирдамлик, бахт-саодат ва
муштаҳкам соғлиқ тилайди.*

*Бахтимиз қомуси ҳаёт йўлимизни
ҳамиша мунаввар этаверсин!*



✓ Кўрик-танлов

РЕСПУБЛИКА
БОСҚИЧИ

Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда конституция моҳиятини чуқур ўргатиб бориш демократик жамият қуриш жараёнидаги муҳим вазифа ҳисобланади. Шу мақсадда Республика Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Бадий академия, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ҳамда "Камолот" ЁИХ ҳамкорлигида "Конституция — бахтимиз пойдевори" мавзуда мактаб жамоалари ва ўқувчилари ўртасида кўрик-танлов эълон қилинган эди. "Камолот" ЁИХ Марказий Кенгаши залида танловнинг республика босқичи бўлиб ўтди.

Унда конституция мазмун-моҳиятини ифодаловчи энг яхши тасвирий воситалар — расм, плакат, чизмалар ҳамда иншо, баён йўналишлари бўйича вилоят босқичларида муваффақият қозонган ўқувчилар иштирок этдилар. Шунингдек, соғлом авлодни тарбиялаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш йўлида ижобий натижаларни қўлга киритаётган, ёшларни ватанга, миллий истиқлол ғояларига садоқатли, юксак ахлоқий фазилат-

ли қилиб тарбиялаш, ҳуқуқий билимини ошириш йўлида самарали меҳнат қилаётган умумтаълим мактаб жамоалари ўзаро беллашиш мақсадида пойтахтга ташриф буюрдилар.

Дастлаб вилоятлардан келган голиб ўқувчиларнинг ижод намуналари билан танишиб чиқилди, сўнг танлов голиблари эълон қилиниб, ҳомийлар томонидан тақдирландилар. Баён йўналишида Диёра Ашуралиева (Наманган вилояти), иншо бўйича Дилафрўз Шорахмедова (Тошкент шаҳри), расм, плакат, чизмалар йўналиши бўйича Бобур Нурметовлар (Хоразм вилояти) биринчи ўринга муносиб топилдилар.

Таълим муассасалари ва маҳаллаларда таълим-тарбия, ахлоқий-ҳуқуқий, маданий-маърифий мавзуларда амалга оширилаётган ибратли тадбирлар, ҳашарлар, янгича маросимлар акс эттирилган "Энг намунали мактаб" фотоальбомлар танловида Жиззах вилояти жамоаси голиб бўлди. Самарқанд, Бухоро, Наманган жамоалари ҳам юқори натижаларни қўлга киритдилар.

Мактуба МҰМИНОВА,
«Ишонч» мухбири

✓ Байрам тухфаси

Андижонликлар ҳамиша янгиликларга ўч ва ташаббускорлиги билан кўпчиликка танилиб келган. Истиқлол йилларида бу хислат янада яққолроқ кўзга ташланапти. Вилоятнинг қайси ғўшасида бўлманг, қай бир соҳасига назар солманг, мустақиллик шуқуҳи уфуриб турганлигини ҳис этасиз.

Бош Қомусимиз — Конституция қабул қилинганлигининг 14 йиллиги арафасида вилоятнинг Шаҳрихон тумани аҳли яна бир хайрли ишга қўл урди. Маънавий-маърифий ишларни юқори савияда ташкил этиш ҳамда бу борада ўтказиладиган тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида эскириб, ташландиқ ҳолга келиб қолган бино мукаммал таъмирланиб, туман халқ таълими бўлимига тухфа этилди.

Бир вақтнинг ўзида ҳам маънавий таълим маркази, ҳам тарихий музейни англатувчи ушбу ҳашаматли мажмуани қисқа фурсатда таъмирлаб, қўшимча хоналар қуриб, замонавийлаштириш осон кечгани йўқ. Фарзандлар камолига эътибор кучайтирилаётгани ва ҳукуматимизнинг соҳага дахлдор кўлаб сарф-ҳаракатлар билан чиқётгани корхона ҳамда ташкилот мутасаддилари қаторида ишбилармон ва тадбиркорларни ҳам ташаббусларга бош-қош бўлишга ундаяпти.

— Дастлаб туман ҳокими лойиҳа-сметани кўриб чиқач, 50 миллион сўм ажра-

тиб берди, — дейди халқ таълими бўлими мудири Р.Матбобоев. — Якка тартибдаги ишбилармонлар ва фермерлар ҳам қараб туришгани йўқ: қурилиш учун хомашё,

ёғоч, тахта кабиларни ўз ҳисобларидан олиб беришди. Қўшимча хоналарни қуриш ва сифатли таъмирлаш юмушларида Ҳамиджон Зокиров етакчилик қилаётган «Шукрона XXI аср» ишлаб чиқариш корхонасидаги қўли гул усталар ҳамда Бобуржон Акбаров бошчилигидаги гуруҳ аъзолари жонбозлик кўрсатишди.

Янги бинонинг ташқи ва ички кўринишларида миллийлик ва замонавийлик аънаналари уфуриб туриши, айниқса, эътиборни тортади: ҳар бир зал замон талаби бўйича жиҳозланиб, туман салоҳиятининг юкса-

лишига муносиб ҳисса қўшган меҳнат фахрийлари, таълим соҳасининг илғор вакиллари, шахрихонлик спорт юлдузлари, дарслик ва дастурлар яратган олимлар фаолиятига кенг ўрин берилган. Буларни юзага чиқаришда «Тасвирий ойна» туман бўлими бошлиғи Абдуваҳоб Холмирзаевнинг ҳиссаси катта бўлди.

Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган куннинг 14 йиллиги байрами-

ЯНГИ МАРКАЗ
ИШ БОШЛАДИ

да ҳар жиҳатдан мослаштирилган «Маънавият ва маърифат» марказининг ишга туширилиши ҳамда унинг ўқувчи-ёшлар ихтиёрига топширилиши келажак ворисларимизни шу азиз ватанга-мос инсонлар бўлиб етишишини таъминлашга улкан ҳисса қўшишини очилиш маросимида иштирок этганлар фахр ила таъкидлашди.

Абдупатто ҲАМИДОВ,
Шаҳрихон туман
ХТБнинг Маънавий-
маърифий ва тарбиявий
ишлар бўйича мудири
ўринбосари

НИГОҲ

Байрам арафасида Тошкент Юридик коллежидан бўлиб, талабалар билан суҳбат қилдик. Эштинг, улар нима дейди.

Қ.ИСМОИЛОВ,
2-босқич талабаси:

— Конституция барчамизнинг ҳаётимизда муҳим роль ўйнайди. Сабаби, фуқароларимизнинг ҳуқуқлари, бурчлари, мажбуриятлари ва эркинликларини ўзида мужассам этган.

Президентимиз «Келажак — ёшлар қўлида» деган иборани кўп қўлайдилар. Биз ёшлар учун бу сўзлар даъватдир, зеро юртимизга муносиб фарзанд бўлишга ва бу ишончни оқлашга ҳаракат қилишимиз шарт.

Мен Республикамаиздаги барча ёшлар номидан ҳовир, эртага ёки ундан кейин эмас, балки умуман Конституцияга эид келадиган ишларни қилмаймиз, деб ваъда бераман.

Б.НОРБОЕВ,
2-босқич талабаси:

— Ҳозир биз мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуришга ҳаракат қилмоқдамиз. Бу жамиятни қуриш учун эса биринчи навбатда демократик асосланган Конституция бўлиши керак. Конституцияни фақат Бош қомус деб кўз-кўз қилишимиз эмас, унинг ҳар бир моддасини сўзма-сўз ин-ичимиздан ҳис қилишимиз ва тўлалигича амал қилишимиз керак.

Конституциямиз бизга ўзлигимизни қайтариб берди, илоҳим, Бош қомусимизнинг умри боқий бўлсин.

М.МИРҲАБИБОВ,
2-босқич талабаси:

— Ҳаёт яшаш ва зафар томон интилишдан иборат. Мукаммал ҳаётга эришиш эса осон эмас. Қизил империянинг оғир дамларини бошидан кечирган давлатимизнинг мустақилликка эришиши, назаримда, ҳақиқат қўёшининг порлашидир. Агар инсониятнинг бахти тинчлик, озодлик ва фаровонликдан иборат бўлса, унда Конституциямиз айнан бахтимиз кафолатидир.

Ўзбек халқининг зағу ниятларини ва хоҳиш-истакларини ифодаловчи, фаровон ҳаётининг кафолати бўлган Конституция — бахтимиз пойдевори экан, бу пойдевор узра адолат ва ҳақиқат, инсоф ва диёнат қалъаси қурилажак.

Н.АҲМАДЖОНОВА,
2-босқич талабаси:

— Конституция — эркинлик, адолат тамойилларига йўрилган, инсонийлик ва тенглик тушунчалари сингдирилган ҳуқуқий мезон. Унда ҳаётимизнинг қондалари, турмушимизнинг қатъий меъёрлари муҳдланган.

Конституция — ўтмиш, бугун ва келажакнинг кўзгуси, уларни уйғунлаштирган, туташтирган кўприк. Йўлларимизни тўғрилиқ сари олиб борувчи, ёритувчи машъал, биз амал қиладиган одил ва тўғри дастур амалдир.

✓ Сўз «Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофотлари лауреатлари»га

Ҳофиз бўзтўрғайдек бўзласа, мумдек эрмаган кўнгил йўқ. Раққосанинг жозибадор хироми ададсиз завқ-шавқ бағишлайди. Қизларимиз ҳаваскор, санъат ихлосманди, бироқ уларнинг ижроси профессионал раққосаларникидан асло қолишмайди.

Бундан 30 йил муқаддам Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Убайдулла Алиев раҳбарлигида дастамиз ташкил этилган эди. Ўтган йиллар гоёт мазмундор кечди. Репертуаримиздан ўзбек ва жаҳон халқлари рақслари, замонавий хо-

сталари ҳам юзага келди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси таъсис этган «Ўзбекистон — Ватаним» мавзуидаги кўрик-танлов кўнглимизни тоғдек кўтарди. Қизларимиз корхона шарафини ҳимоя қилиш учун бор имкониятларини ишга солдилар. Натижа чакки бўлмади. Екатерина Прокина, Олеся Корен, Римма Нигматуллина, Севара Усмонова, Нигора Бекмирзаева, Раҳима Музраимова, Махлиё Абдуганиева ва бошқалар ижро этган дилбар рақслар барчани мафтун этди. Пи-

ФАҲР-ИФТИХОР
ТУЙДИМ

реографик-вокал композициялар ўрин олган бўлиб, у кенг миқёсда мухлислар эътиборини тортди.

Фахр ила таъкидлаш жоизки, ўтган асрнинг 80-йиллари жамоамиз тарихида унутилмас хотирага бой бўлди. «Давра-мизга марҳабо», «Марҳабо, талантлар!» телевизион кўрик-танловлари бизни республика аҳлига танитди. Шундан сўнг Москва шаҳрида бўлиб ўтган олимпиадада катта дастур билан қатнашиб, дунё спортчиларининг олқишлари остида ўзбек санъатини намойиш этдик. Шунингдек, Дания, Буюк Британия, Ҳиндистон, Франция, Германия ва Афғонистон давлатларига бўлган гастрол сафарларимиз муваффақиятли ўтди. 1986 йилда бизга «Қир гуллари» халқ дастаси номи берилди. Кейинроқ эса дастанинг йўлдош жамоалари «Севинч» ва «Самира» болалар рақс да-

ровардида, дастамиз «Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофоти лауреати» деб эълон қилинди. Алишер Навоий номли давлат академик театрида намойиш этилган гала концертда қувонч билан рақсга тушдик.

Бундай ютуқлар кўнглимизни тоғдек кўтариб, ғайратимизга ғайрат қўшади. Конституция байрамига махсус концерт дастури тайёрланган. Бинобарин, Конституция ҳар биримизнинг қалбимизда, тақдиримизда. У бизнинг ҳақ-ҳуқуқларимизни, юртимиз, олийжаноб халқимиз олдидаги масъулия — бурчимизни кафолатлайдиган асосий қонундир.

Гулноза ЙҮЛДОШЕВА,
Фарғона нефтни қайта
ишлаш заводининг «Қир
гуллари» дастаси бадий
раҳбари

ТАҚДИРИМДАН
МАМНУНМАН

Бир журналист опам (Лилия Струнникова) мени «Қизилқум булбули» деб атабди. У нечоғлик ҳақ, буни билмадим, лекин маҳобатли сахро қалбимга ҳад-ҳудудсиз ҳаяжон солгани рост. Сахро узра қуюн ажина ўйин қилади. Қиёқ, барханлар субҳидам сабосида сирли шивирлайди, оҳанглари дилимда садо беради. Шунинг учундир эҳтимол куйлагим келади. Донецк, Могилёв, Ялта шаҳарларида бўлиб ўтган эстрада кўшиқлари кўрик-танловларида муваффақиятли қатнашиб, бетакрор юртимнинг ойдин тонглари ҳақида куйладим. «Ёнган ёндиради» деганлари-дек, мухлисларим олқишидан кўнглим тоғдек юксалди. Алишер Навоий номли, «Туркистон» ва бошқа санъат даргоҳларида намойиш этган кенцерт дастурларим тошкентликларнинг қарсақлари остида ўтди.

— Шерзод, омадли йигитсан-да, томошабиннинг оқиб келишини қара, — деган эди ўша кунлари мендан минг чандон қувонган продюссерим, Навоий тоғ-металлургия комбинати «Фарҳод» маданият саройининг раҳбари Николай Сисоев.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси таъсис этган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танлови ҳам қалбимда ёрқин из қолдирди. Кўшиқларим манзур бўлди шекилли, «Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофоти лауреати» деб эълон қилишди. Бундан беҳад мамнунман.

Яқин кунларда хорижий мамлакатларга, жумладан, Польша ва Германияга гастрол сафари тадоригини кўряпман. Шунингдек, буюк Қомусимизнинг 14 йиллигига бағишланган байрам концертларида албатта, иштирок этаман. Асосий қонунимиз ҳақида ўйласам, дилимни гурур ва ифтихор ҳисси қамрайди. Унинг дунёдаги энг мукаммал Конституциялардан бири эканлигига аминман.

Шерзод ДАВРОНОВ,
хонанда



«Қорақалпоқпахтасаноат»

акциядорлик уюшмаси ва бирлашган

касаба уюшма қўмитаси

*Мамлакатимиз фуқароларини
Ўзбекистон Конституцияси куни ҳамда
кириб келаётган Янги йил байрами
билан қизғин табриклайди.*

*Барча юртдошларимизга ҳамжисҳатлик
ва бирдамлик, сиҳат-саломатлик, узоқ умр,*

Ватан бахт-саодати ва

*Мустақиллигимизни
мустаҳкамлаш йўлидаги ишларида
муваффақиятлар тилайди.*

*Байрамингиз қутлуғ бўлсин,
азиз биродарлар!*

КОНСТИТУЦИЯ – МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

Эътироф

Хар бир даврнинг ўз воқеликлари бўлади. Улар теграсидаги фикр-мулоҳазалар, муносабатлар ўз навбатида салоҳиятимиз, онгу тафаккуримизни белгилайди. Истиқлол йилларининг муҳим воқеликларидан бири, бу — Конституциямизнинг қабул қилиниши бўлди. Унда давлатимиз ҳуқуқий тизимининг етуқлиги ифода этилган, ҳар бир инсоннинг кундалик ҳаётида учрайдиган асосий ҳуқуқий меъёрлар ўз аксини топган. Бундан кўриниб турибдики, каттаю кичик, ёшу қари Бош қонунни ўрганиши, унга амал қилиши замон талаби ҳисобланади. Конституциямизнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмунини ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини ошириш ҳамда юксалтириш, шунингдек, Конституцияни билиш, унинг мазмун-моҳиятини тарғиб ва ташвиқ қилиш мақсадида 2001 йил 4 январда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиши ташкил этиш тўғрисида» мамлакат Президентининг Фармони қабул қилинган эди. Ҳўш, ўтган давр мобайнида бу мақсадга нечоғлик эришилди? Фуқароларнинг бу борадаги билимлари қай даражада шаклланди? Умуман, фуқаролар тақдирида Конституциянинг ўрни қандай? Шу каби саволлар билан турли соҳа вакилларига муурожаат қилдик.

Мавлуда ИСОҚОВА, ҳуқуқ фани ўқитувчиси:

Соҳибқирон бобомиз Амир Темур: «Давлат агар дину оин, яъни қонун асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади...» дея айтганида қонунлари мукамал юртнинг келажаги порлоқ бўлишини назарда тутган бўлса ажаб эмас. Бугун ёш авлодга берилаётган эътибор, қонун талаблари асосида бу борада олиб борилаётган ишлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг қабул қилиниши юртимизда соғлом фикрли, баркамол инсонларни, яъни ёшларни ҳар томонлама етук шахс бўлиб

ҚОНУНЛАРИ МУКАММАЛ ЮРТНИНГ...



шаклланишида катта аҳамият касб этади. Ёш авлод нечоғлик комил инсонлар бўлса, юртнинг келажаги ҳам буюк

бўлади. Уларга таълим-тарбия бераётган биз устоз ва мураббийлар ана шу масъулиятни ҳис этган ҳолда меҳнат қилаёلمиз.

Шу ўринда ўқитувчиларга берилаётган эътиборни ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Ҳеч бир мамлакатда устоз ва мураббийлар қуни умумхалқ байрами сифатида нишонланмайди. Шунинг ўзиёқ муаллимга кўрсатилаётган эътибор намунаси эмасми?

Конституция ҳақида фақат байрам кунларида эмас, балки кундалик ҳаётимизда ҳам фикр юритаёлик. Уни мудом ўрганишга ва ўргатишга интилайлик.



Захро НАЗАРОВА, Тошкент Ислон университети аспиранти:

ИНСОНИЙЛИКНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

Конституция — том маънода ҳаётимиз қомусидир. Ҳаётда дуч келинадиган муаммо, ҳодисалар ечимини у ўзида мужассамлаштирган. Бундан ташқари, фуқароларнинг эркинликлари ҳам унда ўз аксини топган. Улардан бири виждон эркинлиги бўлиб, у Конституциянинг 31-моддасида

белгилаб қўйилган. Бу модда эса кейинчалик «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинишида асосий омил бўлди. Таъкидлаш лозимки, мавжуд қонунлар асосида диний-маънавий соҳада ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Шу жиҳатдан Конституциямизни инсонийликнинг ёрқин намунаси, дейиш мумкин. Унда қамраб олинган соҳаларда олиб борилаётган ислохотларга ҳар қадамда гувоҳ бўлаяёмиз. Жумладан, диний-маърифий ва маънавий жиҳатдан олиб кўрадиган бўлсак, бутун ислом олами номларини эҳтиром ила тилга оладиган аждодларимиз — Имом ал-Бухорий, Абдуҳолиқ Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Ҳаким ат Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний каби мутафаккирларнинг юбилей тўйлари мамлакатимизда кенг нишонланди. Уларнинг муқаддас қадамжолари бевосита давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қайта таъмирланди. Бугунги кунда ушбу қутлуг қадамжолар нафақат юртимиз аҳолиси, балки чет эллик сайёҳлар учун ҳам муқаддас зиёратгоҳларга айланган.

Яна муҳим жараёнлардан бири, мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ юртимиз мусулмонлари ҳаж сафарига бориш имкониятига эга бўлди. Шу каби бошқа қатор эзгу саъй-ҳаракатлар, аввало, истиқлол берган имконият бўлса, иккинчидан, мустақил мамлакатимизнинг рамзларидан бири бўлган Конституциянинг амалдаги ифодасидир.

Феруза НАЗАРОВА, Акушерлик ва гинекология илмий текшириш институти клиникаси врач-неонатологи:

МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР



Асосий қонун саналадиган Конституция мустақил юртимизнинг мустаҳкам пойдеворини барпо этишда муҳим асос бўлгани учун ҳам ҳар бир фуқаро уни мукамал ўрганиши шарт.

Албатта, ҳар ким ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларга эга. Масалан, мамлакатимизда инсон саломатлиги борасида ғамхўрлик у туғилишидан олдин бошланади. Яъни, атроф-муҳитни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар кўрилади. Жисмонан соғлом инсонни тарбиялаш учун барча шароитлар мавжуд. Қонунга мувофиқ иш юритувчи ягона соғлиқни сақлаш тизими яратилган. Ҳамма болалар мажбурий даврий тиббий кўрикдан ўтказилиши ва доимий диспансер назоратида бўлиши лозим. Давлат аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар белгилайди. Бу ҳақда Конституциянинг 40-моддасида: «Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга», дея кафолатланган.

Хайрулла МҮМИНОВ, тадбиркор:

ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИДАГИ МАЁҚ



Эл-юрт корига ярайдиган, халқни ҳамisha олға интилишга ундайдиган шундай омиллар бўладики, у билан ҳақли равишда фахрланса арзийди. Мен Конституцияни яратувчанликка чорлайдиган маёққа қиёсламан. Биргина мисол. Юртимизда тадбиркорликка кенг йўл очилиб, мен ҳам бу соҳада бахтимни синаб кўришга қарор қилдим. Дастлаб «Карима» хусусий корхонаси фаолияти йўлга қўйилди. Нонвойхона, тикувчилик цехи ишга туширилди. Кейинчалик хусусий корхона фаолияти кенгайиб маиший хизмат шохобчалари ташкил этилди. Мамлакатимизда биринчилардан бўлиб хусусий шифохонага асос солдик. Шунингдек, корхона негизида қандолатчилик цехи, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси ташкил этилиши натижасида бир қанча киши иш билан таъминланди. Ҳукуматимиз томонидан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор қонун ва қарорлар қабул қилинди. Бу эса ўз навбатида меҳнат унмдорлигининг ошишига, халқнинг турмуш даражаси яхшиланишига олиб келди.

Сўнги йилларда тадбиркорлик корхоналарини ташкил этиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар сонининг камайиши, бўлар-бўлмас текширишларга чек қўйилиши натижасида сафимиз янада кенгайди. Юртимизнинг обод бўлаётгани, турли гўшаларда бунёдкорлик ишлари олиб борилаётгани, бунда барча фуқароларнинг муносиб улуши борлиги кўнгилни ғурурга тўлдирди.

Нигина ГАНИЕВА, Юнусобод туманидаги 17-лингвистик мактабнинг 10-синф ўқувчиси:



ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

Мустақил юртимизнинг иқболлини шак-шубҳасиз, Конституция белгилаб беради. Биз ёш авлодга яратиб берилаётган шарт-шароитларда ҳам бевосита Конституциянинг роли бор. Болалар спортининг ривожлантирилиши, мактабларнинг замонавий техника воситалари билан таъминлиниши давлатимизнинг биз ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлигидан далолатдир. Бизнинг бурчимиз бу имкониятлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда ўқиш ва билим олишдир. Юртимиз бизга умид билан қараётган экан, ана шу ишонччи оқлашимиз шарт. Мактабимизда ҳар йили Конституция кунини нишонлаш учун алоҳида тайёргарлик кўрилади. Турли тадбирлар, кўрик-танловлар, мусобақалар ўтказилади. «Сиз қонунни биласизми?», «Конституция-бахтимиз қомуси» мавзусида деворий газеталар ва иншолар танлови ўтказиш аниъанага айланган.

Алижон АЛИЕВ, ўқувчи:

ҲУҚУҚИМНИ ТУШУНДИМ

Боғчадаёқ менда Конституция ҳақида тасаввур пайдо бўлган эди. Кейин мактабда у бизга янада чуқурроқ ўргатила бошланди. Бошланғич синфдан то бугунга қадар Бош қомусимиз тўғрисида анча маълумотга эга бўлдим. У кишилар ўртасидаги муносабатни, муомалани, жамоат жойларида ўзини тутиш ва ўзгаларни ҳурмат қилишни ўргатар экан. Ундан ўз ҳуқуқимизни англаб етдик. Агар биз қонунларни яхши билсак, келажақда қоқилмайми. Қонунларни ўрганмаган ва унга амал қилмаган киши мақсадига эришолмайди. Буни ўқитувчимиз бизга доимо уқтирадилар.

Юртимизда Конституция кунининг байрам қилиниши сабабини сўраганимда, менга унинг қонунлар қонуни эканини айтишди.

Мунира САМАТОВА, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети рус филологияси факультети 1-босқич талабаси:



БУРЧНИ АНГЛАШ ҲИССИ

Конституция ҳуқуқий демократик жамият барпо этишда асосий қўлланма ҳисобланади.

Бугун биз талабаларга давлатимиз томонидан катта ғамхўрлик кўрсатилаяпти. Масалан, талабалар турар-жойлари қайта таъмирланиб, жаҳон андозалари даражасига етказилмоқда. «Ёшлик» талабалар шахарчасида бўлган киши бунга ишонч ҳосил қилади.


Инсон сув билан ҳавога қанчалик эҳтиёж сезса, Конституцияни ўрганишга ҳам шу қадар эҳтиёж бўлиши зарур, деб ўйлайман. Ҳуқуқ ва эркинликларини билган киши, айти вақтда бурчини ҳам унутмаслиги керак. Мен фуқаро, талаба сифатида билим олиш, бепул тиббий хизматдан фойдаланиш, касб танлаш, шахсий дахлсизлик каби ҳуқуқларга эгаман. Конституция ва қонунларга итоат этиш, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, ота-онам олдидаги фарзандлик, Ватан олдидаги фуқаролик, табиий бойликларни, табиатни, тарихий обидаларни асраб-авайлаш сингари бурчларим бор. Уларни адо этибгина ҳуқуқларимни талаб қилсам ярашади.

Саҳифани Ҳидоят ЖҰРАЕВА тайёрлади

Чортоқ педагогика коллежи маъмурияти



Барча юрtdoшларимизни
ҳамда келажагимиз
пoйдeвoри – тaлaбaлaрни
бaxтимиз қoмyси –
Кoнcтитyция кyни билaн
қизғин тaбриклaйдим.
Уларгa cиҳaт-caлoмaтлик,
тyгaнмac бaxт тилaйдим



✓ Бошланғич ташкилотларда

«Навбахор» пахта тозалаш заводининг замонавий типда қурилиб фойдаланишга топширилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Корхонага давр талабига мос дастгоҳларнинг ўрнатилгани боис, тола сифати юқори даражада ажратиб олинмоқда. «Навбахор» толаси республика микёсида ўтказилган «Сифат» танловида ўтган йили биринчи ўринни эгаллагани ҳам бежиз эмас. Корхонада бу йил 26 минг тонна пахта хосилини қайта ишлаш режалаштирилган. Пахта қабул қилиш пунктлари бу ерда учтани ташкил этади. «Гадойниёз Хасанов» ҳамда «Ижанд» пахта қабул қилиш пунктларида бугун иш қизгин.

ИШЧИЛАРНИ ИШ КИЙИМИДАН ТАНИШ МУМКИН

Корхонада 350 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади. Яқинда янги маъмурий бино фойдаланишга топширилди. Ишчи-ходимларга яратилган шароит ва бу ердаги ободончилик ҳамда меҳнат интизоми ҳақида алоҳида тўхталиш лозим. Чунки иш жараёни республиканинг бошқа турдош корхоналаридан анча фарқ қилади.

Атрофи озода ва саранжом-сарийшта корхона биноси олдига келиб, ичкарига киришни хоҳласангиз, сизга махсус «бежик»ни тақиб олишингизни эслатишади. Бу ерда меҳнат қилаётган инсонларни қандай вазифада ишлашини кийиб олган кийимдан бемалол ажратиш олиш мумкин. Мисол учун, пункт ишчиси яшил рангли махсус кийим кийса, завод ишчиси кўк рангли, корхона маъмурияти ходими эса

бошқа рангдаги уст-бош билан таъминланган.

— Бу кийимларни Андижондаги фирмага махсус буюртма орқали тиктирганмиз, — дейди касабачи уюшма кўмитаси раиси Шавкат Тўхтамурадов. — Ишчи-ходимлар корхона маъмуриятдан мамнун. Чунки уларга яратилган шароит ва имтиёзлар бошқа корхоналарда учрамайди. Шу йилнинг ўзиде 20 нафар ишчиларимиз «Чортоқ» сўхатгоҳида бепул дам олдирилди. Ойлик маошлар ва моддий ёрдам ўз вақтида бериб борилмоқда. Моддий манфаатдорлик бор жойда меҳнат унуми ҳам юксак даражада бўлади.

Корхона раҳбари Фулом Облоқлов ва касабачи уюшма кўмитаси ҳамкорликда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурини ишлаб чиқиб, хайрли ишларни амалга оширди. Кам таъ-

минланган оилаларнинг 17 нафар фарзандларига суннат тўйи қилиб берилди. Шунингдек, фахрийларга ҳар байрамда бир пиёла чой ташкил қилиниб, моддий ёрдам ва соғалар тақдим этилди. Туман шифохонаси ҳамда мудофаа ишлари бўлимига ҳам моддий ёрдам кўрсатилди. Жамоа шартномасининг бажарилиши доимо назоратда. Хуллас, иш бор жойда меҳнат унуми, барака ва манфаатдорлик кўнгилдагидек бўлишига ушбу корхона мисолида яна бир қарра амин бўлдик.

Хатирчи пахта тозалаш корхонасида ҳам айна кунларда иш қизгин. Корхона бинolari анча эскиргани

диққатимизни тортди.

— Насиб этса, биз ҳам келаси йил янги заводда иш бошлаймиз, — дейди касабачи уюшма кўмитаси раиси Носир Шуқуров. — Ҳомийлик кўмагини анча кучайтирдик. 8 нафар кам таъминланган оиллага шахсий ёрдамчи хўжалик ташкил этиш учун кўмак берилди.

Бу ерда ҳам ишчиларга яратилган шароит ва қулайликлар мақтаса арзиғулик. Корхона ёнгинасида чойхона, завод новвойхонаси ҳар доим ишлаб турибди. Бу ерда 583 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади. Уларнинг бир қисми йил давомида «Ситораи Мохи Хоса» санаторийсида соғломлаштирилди. Бу йил 14 нафар ходимга бепул йўлланма берилди.

Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ишонч» муҳбири

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги ҲАР БИР КИШИ МАСЪУЛ

Республикада «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» давом этмоқда. Бу аслида профилактиканинг ўзига хос бир кўриниши, яна бир қарра огоҳ этишликдир. Ҳар бир ташкилот, корхоналар бундай тадбирларсиз ҳам ҳар қандай хатарнинг олдини олиш тадбирини кўриб қўйган бўлишлари, кўзда тутилган қонун-қоидаларга ҳар кун, ҳар соат эътибор бериб боришлари зарур. Табиийки, бу муҳим тадбирда «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси тармоқлари ҳам фаол иштирок этапти.

Жумладан, Сирдарё иссиқлик электр станцияси жамоаси кузги-қишки мавсумларга тайёргарлик кўриш, ҳар бир ходимдан ўз иш фаолиятига онгли равишда ёндошиб, боз устига электр асбоб-ускуналаридан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига масъулият билан риоя этишда алоҳида танлов ҳам эълон қилганлиги эътиборга лойиқ.

Айтиш мумкинки, кўрик-танлов бошланган кунданок цех ва бўлимларда ёнғин хавфсизлиги бўйича қатор ташкилий тадбирлар ишлаб чиқилганлиги қўл келди. Иш жойларида шу соҳага масъулиятли кишилар томонидан ёнғин хавфсизлиги ва унинг олдини олиш борасида мунтазам равишда тушунтириш ишлари олиб борилапти. Қонун-қоидаларга риоя этмаган ходимга нисбатан чоралар қўлланилмоқда.

Корхонанинг ҳар бир ишчиси асбоб-ускуналарнинг тўхтовсиз ва бенуқсон, узлуксиз ишлашига аҳамият бермоқда. Ёрдамчи асбоб-ускуналарни ишга тушириш ва таъмирлаш вақтида ёнғин хавфининг олдини олишда кўнгилли ўт ўчириш гуруҳи ҳам жонбозлик кўрсатапти.

Кези келганда, муҳим тадбир рисоладагидек ўтишида касабачи уюшмаси фаоллари қўшаётган ҳисса салмоқли бўлаётганини таъкидлаш лозим.



Раҳимжон ОРИПОВ,
«Ишонч» муҳбири

Навоий вилоят «Пахтасаноат» ХАЖ

Барча гуртдошларимизни,
заҳматқаш пахтакорларимизу
бободехқонларимизни Ўзбекистон
Республикаси Конституциясининг
14 йиллик байрами билан муборакбод этади.
Хонадонингизга барака,
тинчлик-хотиржамлик тилайди.
Осмонимиз доимо мусаффо бўлсин!

ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КЕНГАШИ


Барча
юртдошларимизни
8 декабр —
Конституция куни
билан самимий
қутлайди ва эзгу ишларида
муваффақиятлар тилайди.



**АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ТУРОНБАНК»**



*Сизларни улуғ айём — Ўзбекистон
Республикаси Конституцияси куни
билан қутлайди! Барча юртдошлари-
мизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-
хотиржамлик тилайди. Хонадонла-
рингиздан қут-барака аримасин!
«Туронбанк» Сиз билан, Сиз учун*



ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНING АУКЦИОН САВДОЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ АГЕНТЛИГИ МЧЖ ТОМОНИДАН 2006 ЙИЛ 21 НОЯБР КУНИ ЎТКАЗИЛГАН АУКЦИОН САВДОЛАРИДА ТОШКЕНТ ШАҲАР, МИРОБОД ТУМАНИ, МОВАРУННАХР КЎЧАСИ 13А-УЙ МАНЗИЛИДА ЖОЙЛАШГАН, РАТБ «G'ALLABANK» ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИГА ТЕГИШЛИ, ДАВЛАТ РАҚАМИ 10 АР 550 БЎЛГАН 1999 ЙИЛДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН «NEXIA» РУСУМЛИ АВТОУЛОВ 9 015 265 СЎМГА ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР, А. ХЎЖАЕВ КЎЧАСИ 1-УЙ МАНЗИЛИДА ЖОЙЛАШГАН «ISHONCH» БАНКЛАРАРО СУГУРТА КОМПАНИЯСИГА ТЕГИШЛИ, ДАВЛАТ РАҚАМИ 10 ВА 729 БЎЛГАН 1999 ЙИЛДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН «DAMAS» РУСУМЛИ АВТОУЛОВ 5 830 515 СЎМГА СОТИЛГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.



«Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Аукцион савдоларини ташкил қилиш Агентлиги» МЧЖ томонидан 2006 йил 21 ноябр куни ўтказилган аукцион савдоларида Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Моваруннахр кўчаси 13А-уй манзилида жойлашган, РАТБ

«G'ALLABANK» Тошкент вилояти минтақавий филиалига тегишли, давлат рақами 10 АР 550 бўлган 1999 йилда ишлаб чиқарилган «NEXIA» русумли автоулов 9 015 265 сўмга ва Тошкент шаҳар, А. Хўжаев кўчаси 1-уй манзилида жойлашган «ISHONCH» Банклараро Сугурта компаниясига тегишли, давлат рақами 10 ВА 729 бўлган 1999 йилда ишлаб чиқарилган «DAMAS» русумли автоулов 5 830 515 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳар,
Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй.
Телефонлар: 138-69-94.

В соответствии с Постановлением Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг за №1127-1 от 18.04.05г. ИПТД «O'zbekiston» владеющее 12 595 акций простых именных «SHARQ ZIYOKORI» ОАЖ, Тош.шах., что составляет 10 % от уставного фонда, раскрывает информацию о намерении дополнительно приобрести 23191 штук акций простых именных «SHARQ ZIYOKORI» ОАЖ, Тош. шах. что составляет 18,41% от уставного фонда.

Адрес эмитента: г.Ташкент, Сергели.р-н, Буюк Турон, 41.

В соответствии с Постановлением Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг за № 1127-1 от 18.04.05г. СП «Ташкентский трубный завод», раскрывает информацию намерении приобрести 24 647 штук акций простых именных ОАО ЭКОБД ФСК «Ташжилвестстрой» г.Ташкент, что составляет 25,97% от уставного фонда.


Адрес эмитента: г.Ташкент, Сергели. р-н, ул.Нилуфар, 28

Тошкент вилояти Зангиота туманида жойлашган «Музаффар» хусусий дорихонаси тугатилади. Унинг ўрнида «Ал-Ҳакимжон — Ҳамиджон» хусусий дорихонаси ташкил этилди. Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Тел: 170 23 70

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ҚИЗГИН ПАЛЛАГА КИРДИ



Қатар давлати пойтахти Доха шаҳрида ўтаётган XV Осиё ўйинларидан хушxabарлар келиши давом этмоқда. Масалан, футболчиларимиз гуруҳдаги сўнгги тур ўйинини ҳам ғалаба билан якунлашди. Ўзбекистон-Иордания — 3:1.

Александр Гейнрих 11-дақиқада ҳисобни очган бўлса, 35-дақиқа иорданияликлар учун омадли келди — Одайя Али Сайфий ҳисобни тенглаштирди. Лекин иккинчи бўлимда терма жамоамиз сафида пайдо бўлган Виталий Денисов узокдан зарба бериб, ҳисобни 2:1 га ет-

казди. 74-дақиқада Сервер Жепаров ҳам ўз номини таблога ёзиб қўйди.

Куни кеча қолган барча гуруҳларда саралаш баҳслари якунланиб, чорак финалда учрашадиган жуфтликлар тартиби маълум бўлди.

1. Хитой-Эрон.
2. Қатар-Таиланд
3. Ироқ-Ўзбекистон
4. Жанубий Корея-КХДР.

Дастлабки икки учрашув 9 декабр куни Тошкент вақти билан 18:00 да, кейинги ўйинлар 21:00 да бошланади. 12 декабрда эса ярим финал баҳслари ўтиб, унда Хитой-Эрон учрашуви голиби Қатар-Таиланд голиби билан, Ироқ-Ўзбекистон ўйинида зафар қучган терма жамоа Жанубий Корея-КХДР голибига қарши майдонга чиқади.

Эслатиб ўтамиз, вакиллари-

мизнинг Осиё ўйинларидаги медаллари сони ҳам ўсиб бормоқда.

Дзюдо
Абдулла Тангриев, Ўткир Курбонов, Рамзидин Саидов, Шокир Мўминов — барчасида бронза.

Академик эшак эшиш
Руслан Наурзалиев-Владимир Черненко жуфтлиги — олтин, Севара Ганиева-Зарина Ганиева жуфтлиги — олтин.

Теннис
Аёллар терма жамоамиз — бронза.

Оғир атлетика
Андрей Мартимьянов — бронза

Акмал АБДИЕВ

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

Мунажжим башорати

(11 - 17 декабр)

Қўй
Сизга Янги йилнинг келиши жуда яхши таъсир этади. Байрамонга кайфиятда бўлганингиз учун энг оғир юмушларни бажаришда ҳам қийналмайсиз. Ҳаётингизда ранг-баранг ва ажойиб имкониятлар кўпаяди. Душанбада иш олга силжиб, узокқа манфаатли саёхатга чиқишингиз мумкин. Ҳафта банк ва йирик ташкилотлар билан мулоқот учун омадли. Катта битимларни ҳал қилишда сизга кўмак берилиши кутилмоқда. Душанба ва сешанбадан ташқари кунларда буюм ва керакли нарсалар харид қилмаганингиз маъқул.

Бузоқ
Ҳафта сиз учун омадли кечади. Ишингизда лавозимда кўтарилиш кутилмоқда. Шахсий ишлар бобида ҳам худди шундай бўлади. Оилангиз учун фойдали буюм харид қиласиз. Вазмин ва мулоҳазали бўлганингиз учун ҳамма ишлар жойида, шу сабабли бемалол келгусидаги режалар ҳақида ўйлаш мумкин. Дам олиш кунлари яқинларингиз даврасида ўтади. Вақт ва маблағ ҳам фойдали мақсадларга сарфланади. Яқшанбада катта режа тузмай, ҳордиқ чиқарган маъқул.

Эгизаклар
Барча соҳада фаоллигингиз ошади. Матбуотда ёки тадбир ва учрашувларда чиқиш қилишингиз мумкин. Тил билсангиз чет ҳамкорлар билан ишлаш имконияти туғилади. Таҳриба тўплаш, билим ўрганиш ва ҳамкорлик қилиш учун муносиб кишилар учрайди. Жумада шахсий ва касб йўналишига доир саволлар пайдо бўлиши мумкин. Лекин вазминлик билан иш тутинг. Яхшиси сайрга чиқинг. Айни пайтда автомобил ёки уяли телефон сотиб олмаган маъқул, чунки алданиб қоласиз. Қолган харидлар эса яхши бўлади.

Қисқибата
Сизни шахсий ҳаётингиз ва ишингиз билан боғлиқ қизиқарли янгиликлар кутмоқда. Бизнес соҳасида кўпайиб янги ҳамкорлар билан ишлашга тўғри келади. Иш тартибингиз жуда тизим бўлганидан ҳатто дам олишга ҳам вақт қолмайди. Барча юмушларни бажаришга улгуриш учун ўзингизни жисмонан ва руҳан тетик тутишга интилинг. Янги мебел, маиший буюмлар сотиб олиб, уй жиҳозлари ўрнини алмаштиришда бамаслаҳат иш тутинг, акс ҳолда ўзаро тушуновчиликлар келиб чиқиши мумкин. Илгари иш юзасидан тузган битим ижобий натижасини беради. Шунингдек, иш юзасидан яна бошқа алоқалар келгусида катта фойда келтириши мумкин.

Арслон
Соғлигингиз ва руҳиятингиз аъло даражада бўлади. Иш юзасидан уюштирилган тадбирлар муваффақиятли ўтади. Шунинг натижасида катта тақлифлар олишингиз мумкин. Бу эса шахсий ва ишдаги ўсишда кўмак беради. Молиявий имкониятингиз ошади. Ижод бобида ҳам унумли меҳнат қиласиз. Муҳими, кўнгилли дам олиб, дунёқарашни кенгайтирадиган сафарга чиқинг. Пайшанба ва жумада харидингиз омадли бўлади. Яқшанбада савдо-сотик қилишдан тийилинг, яхшиси шу кунни кўтаринки кайфиятда бўлишга ҳаракат қилинг.

Паризод
Ҳафта бошланишидаги икки кун муҳим ишлар билан банд бўласиз. Душанба кунни ташвишларга бошингиз билан шўнғиб кетасиз. Муваффақиятингиз қабул қилган қарорингизга боғлиқ. Кутилмаганда режалар ўзгариб қолиши мумкин. Сешанба кунни молиявий ва бошқа соҳадаги қарзингизнинг. Сешанба ва чоршанбадаги харид чоғида ортиқча пул сарфлашингиз мумкин. Жумага қадар беқарор вазият вужудга келади ва бу асабга тоғади. Лекин шанбада ажойиб дам олиб, яқин киши билан хотиржам суҳбатлашасиз, сайрга чиқасиз.

Тарози
Ҳафтанинг дастлабки икки кун мўдрок ҳолатда бўласиз. Анчагина низоли ҳолатлар бўлиши мумкин. Чоршанбада кутилмаганда уйғонасиз, кучингизга куч қўшилади. Шу кунлари ҳақуийлик қилишга интилинг. Пайшанба ва жума кунлари муҳаббат бобида ёқимли романтик учрашувлар бўлади. Жумада кутилмаган сафарга чиқишингиз ёки режаларингизни ўзгартириб юборадиган янгилик эшитишингиз мумкин. Дам олиш кунлари осойишта кечади. Шанбада уй учун бирор буюм олиш мумкин. Ота-онангиз билан маслаҳатлашсангиз ютказмайсиз.

Чаён
Ҳаётдаги барча соҳада яхшилик бўлишидан умид қилишингиз мумкин. Атрофдагилар сиз билан дўстона муносабатда бўлишади. Натижада яқинларингиз рағбатини ҳис этасиз, ҳамкасблардан кўмак оласиз, иш ва сафарда муваффақиятга эришасиз. Ишда ҳаммаси кўнгилдагидек, шунинг учун ўзингизни кўп уринтирманг. Сиз барча топшириқларни бажардингиз. Шу бонс эркин ҳаракат қилишингиз мумкин. Шахсий ҳаётда эса кутилмаган ажойиб янгиликлар кутилмоқда. Шанбада дўстлар билан ёқимли учрашув бўлади, севган кишингиз билан мароқли дам оласиз, чиройли харидлар қиласиз.

Ўқотар
Ҳафтада ҳаётингизнинг жўшқин палласи кузатилади. Муваффақиятлардан тўққиланиб иш истиқболни ҳис этасиз. Ҳаммаси яхшиликка бўлади. Айниқса туғилган кун соҳиблари нисолсиз кўтаринки кайфиятда бўлишади. Хизмат лавозими бўйича кўтарилишингиз мумкин. Эрақлар янги ишни бошлаб юборишади. Тадбиркорлар бошқа корхоналардан катта-катта тақлифлар олишади. Душанба ва сешанба кунлари арзимас нарсаларга ҳамда муомалада эътиборли бўлинг. Чоршанба ва жума кунлари таассуротларга бой бўлади, янги ахборотлар оласиз.

Тоғ эқиси
Сизни ёқимли совғалар кутаяпти. Ажойиб учрашувлар ҳафта давсида кайфиятингизни кўтаришга хизмат қилади. Чоршанба кун чиройли, замонавий буюм харид қилмаган маъқул. Ташқи кўринишингизни ўзгартиришга ҳаракат қилинг. Кечкурун бозор ва жамоат жойларида кўпроқ бўлинг. Умуман бу ҳафтадаги муваффақиятларга сизнинг очикқўнглилик ва гапга чечанлигингиз ёрдам беради. Дўстона ва ишчанлик алоқаларини ўрнатиш фурсати өтди. Энг яқин кишингиз билан вақтни кўпроқ ўтказинг. Ўзингиз ёки севимли инсон учун совға олишда маблағни аяманг. Энг яхши ажойиб воқеалар шанба кун юз беради.

Қовға
Кўп режалар кўз ўнгингизда амалга оша бошлайди. Ишлар тўғрисида кўп ташвиш чекманг, байрам ҳақида ўйланг. Ишда ва оилада сизни кўлаб-қувватлашади. Хомиллар ва дўстлар кўп муаммоларни ҳал этишда кўмаклашади. Кенг миқёсда режалар туғилади. Тақдир сизга бир қанча омадли йўللари кўрсатмоқда. Мулоқот доираси кенгайди. Муҳаббат ва дўстлик муносабатлари турли кўринишлар касб этади. Кўшимча иш ҳақи топишингиз мумкин. Яқшанба ва чоршанба ишда омад қисман келса, пайшанба ва жума кунлари аксинча барчаси ажойиб бўлади.

Балиқ
Ҳафта бошида ўз қондангиз бўйича ўйнай олмайсиз. Душанба ва яқшанба кунлари муомалада эҳтиёт бўлинг. Ишни шундай бажарингиз, биров эътироз билдири олмасин. Сешанба кунни кўп ишлар сизнинг фойдангизга ҳал бўлмаслиги мумкин. Оилавий муаммолар ечимини шанбага қолдиринг. Умуман жума кунгача одатдаги маромингиз бузилади, аммо қизиқ нарсаларни кашф қилишингиз мумкин. Улар сизда кўп доираларда олға силжишда ёрдам беради. Автоматинангиз бузилиб қолиши мумкин. Шанба кунни совға олишингиз ва совға беришингиз мумкин. Яқшанба кунни ички оламнингизга маънавий ва эстетик эҳтиётга эътибор қаратинг.

Билиб қўйган яхши

ҲУРМАТЛИ ИНСОН БЎЛИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

Рухшунослар инсон учун атрофдагиларнинг ҳурмати қозонишнинг бешта усули мавжуд, деб ҳисоблашади.

1. Ўзгаларнинг гапларига эътиборлироқ бўлинг, чунки ҳар қандай инсон бошқалар уни тинглашларини истайди.
2. Ҳар бир инсондаги яхши сифатларни топишга ва қайд қилиб ўтишга ҳаракат қилинг.
3. Ўз хатоларингизни тан олишга ўрганинг, чунки «Мендан хато ўтмайди» деб таъкидлаверадиган инсонлар кўпинча жамоадан ажралиб қоладилар.
4. Сабр-тоқатли бўлинг. Агар атрофингиздагиларнинг хатоларига кўз юма олсангиз, улар ҳам сизнинг хатоларингизни кечирадилар.
5. Фақат ҳақиқатни гапиришга ўрганинг. Акс ҳолда, сизга ишонмай қўйишади. Ишонч йўқ жойда эса, иззат-ҳурмат ҳам бўлмайди.

ХАЙРЛИ ТОНГ

Саҳарда уйғонганингизда юзингизда турли кўкимтир доғлар ёки шишлар бўлмасин десангиз, уйкуга ётишдан аввал кўп суяқлик ичиш одатини ташланг ва албатта юзингизни махсус тозаловчи воситалар ёрдамида артиб, пардоздан халос қилишни унутманг. Тонгда юзингизни озгина илиқ сув сепиб, «уйғотасиз» ва одатий, юзингизга мос — яхшиси, таркибда ҳимояловчи воситалар, шунингдек, кўк чой, ёғ, Е дармондориси бўлган кремни суртинг. Самарасини албатта ҳис қиласиз.

ҚИММАТБАҲО ДОРИ

Кайфиятингиз бузилганида, кўнглингизни чоғ қилиш учун ўзингизга бирор нарса харид қилиш одатингиз борми? Кўпинча инсонда шундай вазиятлар бўлади. Ҳафагарчилик, ўз-ўзидан қоникмаслик, ҳафсаланинг пир бўлиши, ишдаги муваффақиятсизликлар — буларнинг бари кўнглини чўктиради. Шунда ҳар ким бу ҳолатдан ўзича чиқиш йўлини излайди. Баъзи одамларда эса «чиқиш йўли» дўкон-бозорларда айланиб юриб, «ҳамманинг аламини чиқариш учун» янги кийим-бош сотиб олишдан иборат. Айнан шундай инсонлар учун маслаҳат: ШОШИЛМАНГ! Ахир, ҳар доим ҳам шундай ҳолатда юрмайсиз. Ёмон кайфиятда харид қилинган либос кейинчалик ўзингизга ёқмай қолиши мумкинлигини унутманг.

Иродахон МУХТОР
қизи тайёрлади

Хурматли ишбилармон, тадбиркор хонимлар ва жаноблар! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2007 йил 9 январ куни соат 11.00 да Республика Кўчмас мулк биржаси марказий идораси биносидан бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига «Тошкент» Республика фонд биржаси балансидаги, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AN.963 бўлган «NEXIA» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда:

Бошлангич баҳоси — 5 000 000 сўм;
Аукцион савдосида иштирок этиш учун хариддорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун хариддорлар (жисмоний ва юридик шахслар) объект бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан зақалат пулини РКМБнинг қуйидаги ҳисоб рақамига топширишлари шарт.

АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтохур филиалидаги х/р: 2021000-0500571452057, МФО: 00425, ИНН 200933850.

Шунингдек, ушбу автотранспорт воситаси 2007 йилнинг 9 январ куни бўлиб ўтган аукцион савдоларида сотилмаган тақдирда, аукцион савдолари 2007 йилнинг 11, 16, 18, 23, 25, 30 январ кунлари давом этади.

Қўшимча маълумотларни олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 даҳаси, М.Ўразбоев кўчаси, 1 «А» уй, Республика Кўчмас мулк биржаси биноси 2-қават, 207-хона.

Маълумот учун телефонлар: 399-84-48, факс 399-79-52.

Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 №000004

Бизга қўнғироқ қилинг: Котибият: 153-52-78 Хатлар бўлими: 153-85-43	Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй, Ҳашр кўрсаткичи: 133; 134	Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.	Навбатчи котиб - А.Алламуродов Навбатчи муҳаррир - А.Ҳақбердиев Навбатчи - М.Мўминова Мусахҳиҳ - Н.Юлдашев
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IЗМ компьютерда терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 2 босма табоқ.	«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.	Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Нашриятдан кўчриб босилгандан «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар (б) белгиси остида чоп этилади.	Саҳифаловчи-дизайнер: З.Бакиров ва Ю.Михайловский Буёртама Г—1415 Тиражи: 7604 Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 23.30
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru		Тижорат аҳамиятига молик материаллар (б) белгиси остида чоп этилади.	Сотууда эркин нархда 1 2 3 4 5 7 8

Ishonch

МУАССИС:
Ўзбекистон
касаба
уюшмалари
Федерацияси

Бош муҳаррир
Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир хайъати:
Алла Долженкова, Виктор Зверов (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримкул Қодиров, Соғиндик Ниетуллаев, Шавкат Абдуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Фуломзокир Юсупов